

ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР ШАРОИТ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг
очилиш маросимидаги нутқи**

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Ҳурматли меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Авваламбор, сиз, азизларни — биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг барча иштирокчиларини меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий кутлашга ижозат бергайсиз.

Бугунги анжуманимизда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ҳамда жаҳоннинг етакчи компаниялари раҳбарларини, мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлган давлатларнинг юқори даражадаги вакилларини кўриб турганимдан хурсандман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!
Ҳурматли форум иштирокчилари!

Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида дунёнинг турли минтақаларидаги савдогар, ишбилармон ва тадбиркорлар эътиборини ўзига тортди келган. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қарвон йўллари туташган ҳудуд сифатида машҳур бўлган. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Миср каби мамлакатларда шаклланган цивилизация ва маданият намуналарини айнан қадимги Мовароуннаҳр, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида учрашиб, бир-бирини ўзаро бойитиб келган. Бунинг натижасида 3 минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакатимиз узоқ давр мобайнида дунёнинг савдо, иқтисодий, илм-фан, маданият ва санъат юксак раванқ топган марказларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу кўҳна заминдан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, дунёвий ва диний илмларнинг улғўйишлари бугунги кунда ҳам бутун инсониятга хизмат қилаётган ноёб кашфиёт ва бебаҳо асарлар яратиб, уларни жаҳон аҳлига мерос қилиб қолдирганлар. Мисол учун, ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлган “карантин” тушунчасини Европада “Ави-

ценна” номи билан танилган ажодимиз, буюк шифокор Абу Али ибн Сино бундан минг йил муқаддам биринчи бўлиб амалиётга жорий қилгани тарихдан яхши маълум.

Замонавий инновацион ва блокчейн технологиялари ва сунъий интеллект негизини ташкил этувчи алгоритм атамаси яна бир улғўйиш ажодимиз — Муҳаммад Хоразмий номи билан боғлиқ эканидан сизлар албатта хабардорсиз.

Машҳур давлат арбоби, айни пайтда буюк астроном бўлган Мирзо Улуғбек эса XV асрдаёқ Самарқандда расадхона қурдириб, мингдан ортиқ юлдузларнинг энг тўғри координатларини аниқлаб, илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган.

Юксак тафаккур эгаси бўлган яна ўнлаб ватандошларимизнинг ўтмишда физика, геодезия, кимё, фалсафа ва тарих, меъморлик, тасвирий санъат, илоҳийёт ва бошқа йўналишларда яратган илмий кашфиётлари ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотмасдан келаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг географик жойлашувига кўра, Шимол ва Жанубни, Ғарб ва Шарқни магистрал транзит коридорлари орқали боғлаб турадиган Марказий Осиё минтақасининг ўзаги ҳисобланади.

Биз “Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари” тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишимизни жадал давом эттирмоқдамиз.

Бундан 5 йил аввал биз Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиб, унинг доирасида кенг қўламли демократик ислохотларни амалга ошириш йўлини танладик. Ушбу ислохотлар дастури давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олиб, қонун устуворлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш

каби муҳим йўналишларни ўзида мужасам этган.

Биз, биринчи навбатда, илгари инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига кириши ва эркин фаолият юритишига тўқинлик қилган барча омилларни бартараф этиб, тадбиркорлик учун қулай шароитлар ярата бошладик.

Биринчидан, 2017 йилда миллий валютимиз — сўмининг эркин конвертациясини жорий этиб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ барча чекловларни олиб ташладик.

Банк ва йирик корхоналаримиз илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорларига чиқди. Дунё бозорларига миллий валютимизда ҳам халқаро облигациялар чиқарилди.

Шу билан бирга, биз банк-молия соҳасидаги ислохотларимизни тизимли равишда давом эттириш зарурлигини албатта яхши тушунаимиз.

Иккинчидан, мамлакатимизда очиқлик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имкониятини яратдик. Яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилди.

Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақадаги энг очиқ давлат мақомини кўлга киритгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Бу борадаги саяё-ҳаракатларимизни амалга ошириш мақсадида алоҳида Агентлик ташкил этилди.

Бу соҳада бошлаган ишларимизни давом эттириб, иқтисодийётда шаффофлиқни таъминлаш ва коррупцияга қарши қатъий кураш олиб бориш янада кучайтирилмоқда.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ ПЛАТФОРМАСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Пойтахтимизда 24 март куни биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишнини бошлади. Форумнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Сессияда, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Осиё тараққиёт банки президенти Масацугу Асакава, Саудия Арабистони подшоҳлиги инвестициялар вазирлиги Халид ал-Фалих, Жаҳон савдо ташкилоти вице-президенти Жанчен Чжан, Осиё инфратрулмалар инвестициялар банки вице-президенти Константин Лимитовский, Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Стефани фон Фридербург қатнашди. Тадбирда BBC World News халқаро телеканалда янгиликлар бошловчиси сифатида танилган, ҳозирда эса Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг коммуникация масалалари бўйича директори лавозимида фаолият юритаётган Жонатан Чарльз модераторлик қилди.

Давлатимиз раҳбари форум иштирокчиларини кутлаб, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохот ва янгиланишлар тўғрисида сўзлади ҳамда юртимизни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Буюк ипак йўлининг марказида

жойлашган Ўзбекистон замини қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қарвон йўллари туташган ҳудуд сифатида машҳур бўлгани, кўп асрлар давомида дунёнинг турли минтақаларидаги савдогар, ишбилармон ва тадбиркорлар эътиборини ўзига тортди келгани қайд этилди.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга мамлакатимиз узоқ давр мобайнида дунёнинг савдо, иқтисод, илм-фан, маданият ва санъат юксак раванқ топган марказларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу аъёнларнинг давоми сифатида “Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари” тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишимизни жадал давом эттириш ишлари олиб боришмоқда. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги ислохотларнинг асосий йўналишларини санаб ўтди.

Хусусан, 2017 йилда катта қадам ташланди — хорижий валютани конвертация қилиш, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш бўйича чекловлар бекор қилинди. Банк ва йирик корхоналаримиз

илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорларига чиқди.

Халқаро ҳамжамият учун очиқлик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилди, яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилди. Бу кўрсаткичлар бўйича мамлакатимиз минтақадаги энг очиқ давлат мақомини кўлга киритди.

Коррупцияга қарши курашиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. 2020 йилда Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилинди ва тарихда биринчи марта мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлиб сайланди.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон капиталини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар қайд этилди.



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Хаёлимизга ҳам келмаган ўзгаришлар бўлмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тиббиёт ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқоти тарихий учрашув бўлди десам, муболағ бўлмайди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган амалий ташаббусларни диққат билан тинглар эканман, узоқ йиллар тиббиёт соҳасида меҳнат қилган мутахассис сифатида яратилган имконият ва шароитлардан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Бейхитёр Ўрта Осиё Медицина педиатрия институти (ҳозирги Тошкент педиатрия тиббиёт институтида)ги талабалик даврларим, ундан кейин Эпиккалға туманидаги қишлоқ врачлик участкасида шифокор етмаганидан 12 нафар ходимнинг иши юкляб қўйилгани, орада бир неча қаҳрим узоқликдаги туғруқхонада ҳам ишлашга тўғри келган пайтлардаги иш фаолиятим кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади.

Оддий врачликдан тортиб, ҚВП мудирини ва ижро тизимидаги масъулларидан бири сифатида фаолият юритган пайтларда ҳам тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар, ютуқ ва натижалар билан биргаликда муаммо ва камчиликлардан хабардор бўлиб турганман. Давлат тиббиёт муассасаларининг йиқилиб кетгудек бўлиб қолган бинолари, яроқсиз ҳолатга келиб қолган тиббий ускуналар, ҳудудий молия таъминотидагиларнинг ҳужаларча муносабатлари — буларнинг барчаси бугун эслашни ҳам исталмайдиган ўтмиш хотираларига айланганига шукр қиламан.



Машҳурларнинг аёллари

Эрталаб йўлга чиқиб, биринчи тўхтаган таскига ўтираман ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дубляж устаси, таниқли театр ва кино актёри Ҳошим Арслоновнинг хотирасини ёд этиш, унинг рафикаси билан суҳбатлашиш учун “Зарқайнар” маҳалласига боришим кераклигини айтишим билан чамаси 60-65 ёшлардаги ҳайдовчи бирдан жонлиниб қолди: “Ҳошим Арслонов менинг энг сеvimли артистим. Оиламизда ҳамма яхши кўради уни. Синглим, мақолангиз қайси куни, қайси газетда чиқади? Қаердан топсам бўлади уни? Киоскада бўладими?..” Ҳайдовчи амакининг саволлари тугай демасди. Арслоновлар хонадонига етиб борганимизда актёрнинг ҳар қандай ролни қойилмақом қилиб ижро этиши, унинг ширали овози, маҳорати ҳақида гапирди. Мен эса Ҳошим Арслонов ўзбек халқининг каттаю кичик ҳар бир вакилининг юрагида меҳр-муҳаббат ва ҳурмат отлиг ёрқин из қолдирганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.



Ҳошим АРСЛОНОВ:

“Фариштага айланиб,
УЧИБ КЕТАМАН...”



ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР ШАРОИТ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидаги нутқи

1 **Тўртинчидан**, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва тўлиқ ҳимоя қилишни ҳам энг устувор вазифа сифатида белгилади.

Икки йил аввал Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилинди ва тарихда биринчи марта мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Ўзбекистонни қонун ва адолат мустаҳкам қарор топган демократик мамлакатга айлантириш, мустақил ва кучли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш — энг олий мақсадларимиздан бири сифатида кун тартибига қўйилди.

Бешинчидан, ислохотларимизнинг муҳим йўналиши сифатида мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик медиа макон яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш, давлат идораларининг жамият олдидagi ҳисобдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги энг муҳим уюғмизги шуки — биз жамиятимизда “эпиклик мухити”дан қутулиб, Янги Ўзбекистон пойдеворини айнан эркинлик ва адолат тамойиллари асосида барпо этмоқдамиз.

Олтинчидан, кўп йиллар давомида мамлакатимизни турли “қора рўйхат”ларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Бунинг эътирофи сифатида яқинда халқаро Нодавлат нотижорат ташкилотлари коалицияси — “Cotton Campaign” ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилинди.

Еттинчидан, биз ислохотларимизнинг биринчи кундан бошлаб таълим ва инсон капитални ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз.

Сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортқ янги мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиб, ушбу масканларда тарбия олаётган болаларимиз қамрови аввалги 27 фоиздан 67 фоизга кўтарилди.

Бундан ташқари, 200 га яқин янги мактаб барпо этилди, 3 мингдан ортқ мавжуд мактаб эса реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди.

Шу ўтган қисқа даврда 82 та янги университет ва институт, жумладан, 23 та хорижий олийгоҳ ташкил этилиб, олий таълим дароҳларининг умумий сони 159 тага етди. Натижада мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамров даражаси олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди ва бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муҳим ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дорин-дармон ва зарур буюмлар билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблаглар миқдори ўтган даврда 12 баробар кўпайтирилди.

Саккизинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган солик сиёсати ҳам бизнес соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда солиқларнинг умумий соҳини 13 тадан 9 тага туширди. Мол-мулк, шахсий даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилди. Шу билан бирга, импорт бўйича 6 мингга яқин бож ставкалари ҳам қайтарилди. Шунингдек, ўтган 5 йил ичига 200 га яқин лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юқини янада қайтариш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Тўққизинчидан, Ўзбекистонда “ягона дарча” тамойили асосида хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилиб, сармоядорларга ҳар томонлама қўмақ берадиган, барча ҳудуд ва тармоқларни қамраб олган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолияти йўлга қўйилди. Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 3,5 баробар ошди, охириги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани мамлакатимизда 2,5 миллиондан ортқ янги иш ўринларини яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Шунингдек, тўқимачилик, чарм-поябзал, фармацевтика, электротехника, қимм ва нефть-қимм, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноатлари ва бошқа кўплаб соҳалардаги қайта ишлаш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга ҳамда экспортнинг йиллик ҳажмини салкам 20 миллиард долларга етказишга муваффақ бўлди.

Унинчидан, икки йил аввал мамлакатимиз тарихида биринчи марта камбағаллиқни бартараф этишни Ҳукумат сиёсатининг асосий мақсадларидан бирига айлантирди.

Ушбу йўналишда алоҳида Стратегия қабул қилиниб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Натижада қисқа даврда ярим миллиондан ортқ оилани муҳтожлар тоифасидан чиқаришга эришилди.

Умуман олганда, 5 йил давомидаги ҳаракатларимиз ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу фикрни ислохотларимизнинг дастлабки йилларидаёқ иқтисодиётимизнинг йиллик ўртача ўсиши — 5 фоизни, саноат соҳасида эса — 8 фоизни ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Олтин-валюта захираларимиз 27 миллиард доллардан 35 миллиард долларга етди.

Хатто короновирус пандемияси авж олган 2020 йилда ҳам мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида ижобий динамика сақлаб қолингани, 2021 йилда эса унинг ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ислохотлар йўлининг тўғри танланганидан далолат бўлиб, бизни янги амалий марраларга даъват этмоқда.

Муҳтарам форум иштирокчилари!

Мамлакатимиздаги 5 йиллик ислохотлар жараёнининг энг муҳим ютуғи сифатида бир фикрни тўла ишонч билан таъкидлаш мумкин: Ўзбекистонда ислохотлар ортга қайтмайдиган муқаррар тус олгани реал ҳақиқатдир.

Яқинда биз келгуси 5 йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини қабул қилдик. Ушбу Стратегия “**Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун**” деган тамойил асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ва инсон капитални ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлиги ва гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим вазифаларга қаратилган.

Стратегиямизнинг пировард мақсади — давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларида “**Инсон қадри учун**” госясини ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутади.

Бу йўналишлар кўлидагилардан иборат.

Биринчи йўналиш — мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил давом эттириш.

Жумладан, кенг қўламли маъмурий ислохотларни амалга ошириш ва рақамлаштиришни жорий этиш орқали бизнес учун янада қўлай шароит яратиш, давлат бошқаруви тизимининг натижадорлигини ошириш орқали ишбилармон ва тадбиркорларга қўмақ берадиган, ихчам ва юқори самарали ҳукумат тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

Иккинчи йўналиш — давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш.

Халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмағида давлат активларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобидан 25 дан ортқ фаолият турлари бўйича монополиялар тугатилади, тижорат банкларида трансформация жараёнари давом эттирилиб, банк активларида хусусий секторнинг улуши 60 фоизга етказилади, давлат иштирокидаги корхоналар сони камида 3 баробар қисқартирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Форумда қатнашаётган сиз, ҳурматли инвестор ва тадбиркорларга ошқоралик, шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида ўтказиладиган хусусийлаштириш жараёнларида кенг иштирок этишингиз учун барча шароитлар яратишимизни таъкидлаб айтмоқчиман.

Учинчи йўналиш — мамлакатимизда инфраструктузилмани жадал ривожлантиришни давом эттириш.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этган ҳолда, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиш соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Барчангизни ушбу жараёнларда фаол иштирок этиб, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга таклиф этамиз.

Тўртинчи йўналиш — иқтисодиётимизни саноатлаштириш доирасида бой хомашё захираларимизни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон кўплаб фойдали қазилмалар захираси бўйича дунёнинг юқори ўринда турадиган 20 та давлати қаторига кирази. Жумладан, мамлакатимиз олтинресурс базаси бўйича дунёда — 2-ўринни, мис бўйича — 7, вольфрам бўйича — 8, қумуш бўйича — 9, уран бўйича 12-ўринни, табиий газ ишлаб чиқариш соҳасида эса 16-ўринни эгаллайди.

Ана шундай бой хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаган ҳолда, келгуси 5 йилда қимм ва газ-қимм, мисни қайта ишлаш, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва кўплаб бошқа соҳаларда 120 миллиард долларлик инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Бешинчи йўналиш — инсон капиталига инвестиция қилиш.

Келгуси 5 йилда мактабгача таълим соҳасида — 7 мингдан зиёд янги муассасалар ташкил этиш орқали қамров даражаси ҳозирги 67 фоиздан 80 фоизга етказилади, мактаб таълими тизими учун ўқув дастурлари ва дарсликлар илғор хорижий таъриба асосида тўлиқ қайта ишланади ва қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи учун янги мактаблар барпо этилади, олий таълим соҳасидаги қамров даражаси 50 фоизга етказилади.

Биз профессионал таълим тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни замон талабларидан келиб чиқиб,

иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун IT ва муҳандислик йўналишларига ихтисослаштиришни устувор вазифа сифатида белгилади.

Масалан, Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан биргаликда амалга оширилаётган “**Бир миллион дастурчи**” лойиҳаси ушбу йўналишдаги амалий ҳаракатларимиз намунаси. Мақсадимиз — иқтисодиётимизнинг “драйвер” тармоқларини етук ва малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлашдан иборат.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодий ресурслар билан бирга катта инсоний салоҳиятга, замонавий билим ва чет тилларни пухта ўзлаштирган янги авлод кадрларига эга. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз ҳисобланади.

Олтинчи йўналиш — мамлакатимизда ташқи савдони янада эркинлаштириш, экспорт ва импорт фаолиятлари учун қўшимча қўлайликлар яратиш.

Ўзбекистон яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш учун аниқ қадамлар қўймоқда. Ҳозирнинг ўзида республикамизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркин савдо орқали 280 миллион истеъмолчиси бўлган минтакавий бозорларга чиқиш имкониятига эга.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими “GSP +” доирасида Ўзбекистондан 6 мингдан ортқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин.

Шунингдек, миллий экспортчиларимизга қўшимча имкониятлар яратиш учун ҳозирги вақтда Ҳиндистон, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан имтиёзли ва эркин савдо битимларини имзолаш бўйича аниқ чоралар қўрилмоқда.

Мавжуд транспорт коридорларини диверсификация қилиш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Трансафрон темир йўли орқали Жанубий Осиёга, “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли орқали Осиё — Тинч океани минтақасига ҳамда Жанубий Кавказни кесиб ўтадиган мультимодал транспорт коридори орқали Европа мамлакатларига етказиш учун имкониятлар яратиш бўйича ҳам амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Еттинчи йўналиш — мамлакатимизнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш.

Бу соҳа ривож учун амалий таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида 2022 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш йўлга қўйилди.

Шунингдек, краудсорсинг платформаси ва замонавий рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда, барча тармоқ ва ҳудудлардаги инвестор ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш амалиётини давом эттирамиз.

Бизнинг мамлакатимизда 20 август санаси Тадбиркорлар кун сифатида белгиланган. Айна шу кунда Президентнинг тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри учрашуви бўлиб ўтади. Мен бугунги анжуманда иштирок этаётган ҳамда инвестор ва тадбиркорларни бўлгуси ана шундай мулоқотда ўзларини қизиқтирган савол ва таклифлар билан иштирок этишга мамнуният билан таклиф этаман.

Умуман олганда, амалга оширилаётган ислохотларимиз натижасида келгуси 5 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга етказилади.

Биз Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишига эришишни аниқ мақсад қилиб қўйганмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Охириги йилларда дунёда юз бераётган пандемия синовлари, иқтисодиёт соҳасидаги мавжуд қийинчиликлар ва бошқа муаммолар бизни ностандарт чоралар қўришга, янгица вазиятда ишлаш ва натижага эришишга ўргатмоқда.

Дунёдаги бугунги мураккаб вазиятда ҳам Ўзбекистон — яшаш ва ишлаш учун тинч ва хавфсиз макон сифатида танилганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз инвесторлар учун энг қўлай ва жозибадор шароитлар яратиш бўйича сазй-ҳаракатларимизни янада жадаллаштираимиз.

Ислохотларни амалга ошириш жараёнидаги энг мураккаб вазифа — бу фақат қўнунчилиқни ўзгартириш ёки турли стратегияларни ишлаб чиқишдан иборат эмас. Булар албатта муҳим, лекин энг асосийси — одамларнинг дунёқараш ва фикрини ўзгартириш эканини, уйлайманки, дунёдаги барча ислохотчилар тан олса керак.

Бугун ушбу залда Ўзбекистон Республикаси Президенти командаси аъзолари — вазирлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ҳам қатнашмоқда. Уларнинг ҳаммаси, юқорида таъкидланганидек, юксак малакали мутахассислар, замонавий дунёқарашга эга, Янги Ўзбекистон вакиллари бўлиб, ушбу Форумга тайёргарлик доирасида мендан аниқ топшириқлар олишган. Бу раҳбарлар Форумга ташриф буюрган Сиз, ҳурматли меҳмонларимиз билан амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, энг муҳими — инвестор ва тадбиркорларга ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиш учун мунтазам ишлашга тайёр.

Шунингдек, Форум ишида хорижий шерикларимиз билан янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга тайёр бўлиб турган Ўзбекистоннинг етакчи тармоқ биришмалари, хусусий компаниялари ва корхоналари раҳбарлари ҳам иштирок этамоқда.

Форум доирасида сизларнинг эътиборингизга Ўзбекистонда ўз бизнесингизни самарали юритишингиз учун мавжуд шароитлар ва янги истиқболлар тўғрисида кенг маълумот берадиган 30 дан зиёд тадбирлар билан бир қаторда, 200 дан ортқ жозибадор лойиҳалар бўйича таклифлар ҳам ҳавола этилади.

Ҳурматли инвесторлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Мазълумки, ҳозирги замон бутун жаҳон иқтисодиёти рақамлаштириш жараёнига ўтаётган, “яшил” технологиялар ва инновацион тараққиёт ҳар қандай соҳа ва бизнес ривож учун устувор аҳамият касб этаётган бир даврдир. Бизнес ва тадбиркорлик, халқаро иқтисодий алоқалар учун бекиёс имкониятлар очилаётган мана шундай шароитда сизларни қадимий цивилизация ва маданият маскани бўлган, бугунги кунда янгилашган ва ислохотлар йўлидан дадил бораётган Янги Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик ўрнатишга таклиф этаман.

Сизларнинг мамлакатимизда муваффақиятли фаолият олиб боришингизни таъминлаш — Ўзбекистон Президенти ва Ҳукумати томонидан кафолатланади.

Барчангизни улкан ва муштарак мақсадларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли шериклик алоқаларимизни янги, янада юксак босқичга кўтариш учун фаол амалий ҳаракатларга даъват этаман.

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига Форум натижалари бўйича муҳим ва самарали келишувларга эришишни, келгуси ишларида эса янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ТАҚДИМОТ ПЛАТФОРМАСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1 Хусусан, сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортқ янги мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиб, 200 га яқин янги мактаб барпо этилди, 3 мингдан ортқ мавжуд мактаб эса реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди. Шу ўтган қисқа даврда 82 та янги университет ва институт, жумладан, 23 та хорижий олийгоҳ ташкил этилиб, олий таълим дароҳларининг умумий сони 159 тага етди. Натижада мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамров даражасини олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етказишга эришилди.

Иқтисодиётни ислох қилишда, жумладан, солиқ юқини енгиллаштириш, боҳжона боҳжларини қайтариш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва инвестицион муҳитни яхшилашдаги натижалар ҳам санаб ўтилди.

Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми уч ярим баробарга ошди, охириги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобида 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, 2,5 миллиондан ортқ янги иш ўринлари яратилишга муносиб ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий йўналишларига баътафсил тўхталиб. Булар — мамлакатда иқтисодий ва сиёсий барқарорлиқни таъминлаш соҳаларини изчил давом эттириш, ихчам ва юқори натижадор, бизнесни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат бошқарув тизимини яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлаш, инфратузилмани жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, маҳаллий хомашё неғизда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инсон капиталига сармоа қиритиш, ташқи савдонини либераллаштириш ва гендер тенгликни таъминлаш.

Умуман олганда, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кейинги 5 йил ичида ялпи ички маҳсулотни 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга етказиш кўзда тутилган таъкидланди. Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қатори-

дан жой олишига эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари инвесторлар учун энг қўлай ва жозибадор шароитларни яратиш, хорижий ҳамкор ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли шерикликлар билан томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишлар қатъий давом эттирилишини таъкидлади.

Сўзининг якунида Президентимиз иштирокчиларга форум иши муваффақиятли, ҳамкорлик эса самарали бўлишини, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришишни тилади.

Сессия давомида халқаро молия-вий институт ва ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Форумнинг шўъба сессиялари ва мунозараларида Ўзбекистоннинг инвестициявий, иқтисодий ва саноат саноати, минтақавий ва глобал савдо алоқаларини ривожлантириш истиқболлари, инвестицияларни жалб қилиш, савдонини либераллаштириш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимизни индустриаллаштириш бўйича галдаги қадамлар, саноатни юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб

чиқаришга йўналтириш, миллий энергетика тармоғини трансформация қилиш ва мўқобил энергия манбаларига ўтиш чоралари, минтақа мамлакатларининг транспорт жиҳатидан болақилигини мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама қилинади.

Ковиддан кейинги даврда иқтисодий фаолиқни тиклаш ва унинг жадал ривожланишини рағбатлантириш, камбағаллиқни қисқартириш, пул-кредит сиёсатини тартибга солиш, бизнессни кўллаб-қувватлаш, банк соҳаси ва молия бозорини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Форум дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги Савдо, иқтисодиёт, фан ва технологиялар, маданият, спорт ва ёшлар масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 5-йиғилиши, “Саноат кооперацияси, Янги имкониятлар” мавзусидаги Ўзбекистон — Хитой инвестиция форуми ҳамда халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари раҳбарлари ва тараққиёт бўйича ҳамкорлар иштирокида Ўзбекистон бўйича мамлакат платформаси бўлиб ўтади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми 26 март кўни ўз ишини якунлайди. Тошкент халқаро инвестиция фо-

руми доирасида ана бир муҳим воқеа — Сурхондарё вилояти Ангор туманида янги иссиқлик электр станцияси қурилишига бағишланган маросим бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев бўлажак станциянинг қуввати ва самарадорлиги ҳақида сўзлади.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион доллар бўлиб, унинг натижасида 1 минг 560 мегаватт қувват яратилади, йилга 12 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Лойиҳа доирасида энг замонавий технологиялар ўрнатили

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ҚОНУНИЙ БАЖАРИЛГАНМИ?

Ўзбекистон маданияти ва санъати ўзининг буюк тарихига эга. Аждодларимиз томонидан адабиёт, мусиқа, архитектура каби нафис санъат соҳаларида яратилган оламшумул намуналар халқимиз тарихий-маданий меросининг бекиёс маънавий тафаккурини акс эттиради.

Тарихимиздан далолат берувчи археологик ёдгорликлар, обидалар, масжидлар зиёратгоҳлар, мадрасаю хонақоҳларни асраб-авайлаш, уларнинг азалий қиёфасини тиклаш, келажак авлодга безавол етказиш борасида кўп меҳнат қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда маданий мерос объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши қатъий белгилаб қўйилган. Бу эса, ўз ўрнида, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар томонидан ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, ахборотта доир, моддий-техникавий ва бошқа чора-тадбирлар қўриладиган тизимнинг барча поғоналари узвий боғланган тарзда фаолият кўрсатишини тақозо этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 210 та моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 4 минг 788 таси археология, 2 минг 265 таси архитектура объектлари, 625 таси монументал санъат асарлари, 532 таси диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан сўнгги вақтларда мада-

ний мерос объектларига зарар етказилган ҳолатлар юзасидан ўтказилаётган тафтиш ва тергов ҳаракатларидан маълум бўлишича, айрим ҳолларда давлат бюджети маблағлари ҳисобига маданий мерос объектларида олиб борилаётган тиклаш-таъмирлаш ишлари буюртмачи, пудратчи, лойиҳачи, экспертиза ташкилотлари томонидан объектларни илмий-мезморий реставрация қилиш талабларига зид равишда олиб борилиб, уларнинг тарихий ва бадиий қимматига тикланмас зиён ва шунинг баробарида жуда кўп миқдорда молиявий зарар етказиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Жумладан, республика бўйича 14 та моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш-тиклаш лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасиз Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги Илмий-эксперт кенгаши билан келишилмасдан, жами 12 миллиард 454,9 миллион сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилган. Ваҳоланки, амалдаги қонунчиликка асосан, Маданий мерос агентлиги Илмий-эксперт кенгашининг руҳсатисиз маданий мерос объектларида бирон-бир реставрация ёки таъмирлаш ишларини амалга ошириш тақиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида мил-

лий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарориди маданият ва санъат муассасаларининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, объектларни сақлаш ҳамда муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш белгиланган. Шунингдек, бир қатор обидалар қошида жамоатчилик инспекторини бириктириш вазифаси ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

Маълумки, жамоатчилик назорати деганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида амалга оширилаётган жамоатчилик назорати субъектларининг фаолияти тушунилади.

Афсуски, бугунги кунга келиб, қарорда белгилаб берилган долзарб вазифанинг бажарилиши кечикмоқда. Бинобарин, Президентимиз томонидан ҳар доим юртимиздаги барча соҳаларнинг ривожидида жамоатчилик назоратининг муҳимлиги таъкидланади.

Айтиш керакки, маданият ривожини, илм-фан тараққиёти, шунингдек, тарихий-маданий меросни асраш масалаларига тегишли бўлган қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш фақат давлат органининг вазифаси бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакат қонунчилигига доир ҳуқуқий ҳужжатлар давлат бошқарувининг барча поғоналари, хусусан, маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимликлар учун ҳам бевосита тааллуқлидир.

Шунга кўра, моддий маданий меросни

Депутат минбари



Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси
Фан, таълим, маданият ва
спорт масалалари
қўмитаси аъзоси

сақлаш ва таъмирлашга оид муаммолар ҳалда соҳага оид қонун ҳужжатларининг жойларда бажарилишини назорат қилиш ҳудудий кенгаш депутатлари томонидан вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг сессияларида ўрганилиши ва муҳокама-лардан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Зеро, янгиланаётган мамлакатимиз дунё ҳамжамияти олдиди ўзининг муносиб ўрнини эгаллашда, аввало, бизга насиб этган табаруқ маданий мероснинг кадрини юсакка кўтаришдек шарафли ишни умумхалқ иши ва энг муҳими, фуқаролик бурчи деб идрок этмоғимиз шарт.

Депутатлик гуруҳларида

НАТИЖАЛАР САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Бугун замон шиддат билан ривожланиб, ҳар қадамда ободонлаштириш, ҳар жабҳада тараққий этиш, ҳар соҳада ўсиш кузатилмоқда. Бу ўз-ўзидан барчани фаол, замон билан ҳамнафас бўлишга ундайди, шу жумладан, сиёсий партия вакиллари ҳам. Бугун депутатларнинг “ухлаб” ётадиган даври ўтди.

“Адолат” социал-демократик партиясидан халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига сайланган депутатлар ҳам бугунги куннинг тобора ўткирлашиб бораётган талабига мос равишда нафақат ўз-ўзини ташкиллаштириш ва бошқаришни, балки фуқароларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг жойларда амалга оширилишини таъминлашда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Партияимиз дастурий гоёлари, электрлат манфаатларидан келиб чиқиб, бошқарув идоралари олдига долзарб масалаларни қўйиш, юзага келган муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари ва сессиялари кун тартибига киритиш ҳамда уларни ижобий ҳал этиш маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳларининг фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Хусусан, партиянинг **вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Ориф Шукуров** ташаббуси билан ўтган давр мобайнида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиясига 18 та, вилоят Кенгаши сессиясига 3 та масала киритилди. Бундан ташқари, бугунги кунда вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан 4 та масала навбатдаги сессия муҳокамасида кўриб чиқиш учун тақдим этилган. Ушбу масалалар юзасидан доимий комиссия ва сессиянинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ижроси юзасидан самарали депутатлик назорати ўрнатилди.

Қолаверса, партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида депутатлар томонидан фуқаролар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг муаммолари ўрганилди. Мулоқот давомида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари томонидан фуқаролар муурожаат-ларига мувофиқ 89 та мутасадди ташкилотларга ўз позициясини баён этиш талаби билан депутатлик сўровлари юборилди. Депутатлик сўровларининг 81 таси ижобий ҳал этилиб, 8 та сўровни ҳал этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Жиззах шаҳридаги “Тоқчилик” маҳалла фуқаролар йиғи-нида истиқомат қилувчи аҳоли томонидан тоза ичимлик суви

таъминоти яхши эмаслиги боис ичимлик сувини узоқ масофадан ташиб келтиришга мажбур бўлаётганликлари, бу эса кексалар, ёш болали оналар, бемор ва қаровчиси йўқ хонадонлар учун қийинчиликлар туғдираётгани юзасидан муурожаат қилинган эди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Нурзода Каримова ташаббуси билан 10 кун муддатда 15 дан ортқ хонадон ичимлик суви билан таъминланди. Ҳар бир хонадонга сув жўмраклари ўрнатилиб, уларнинг оғири енгил қилинди.

Баҳмал туманида яшовчи кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бўлган фуқаролардан ногиронлик аравачаси олиш ва моддий ёрдам ажратиш юзасидан муурожаат келиб тушган эди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати Абдулмажид Сатторов томонидан тумандаги ногиронлиги бўлган ҳамда кам таъминланган 23 нафар фуқарога озиқ-овқат маҳсулотлари, кўрпа-тўшак жиҳдларидан иборат совғалар топширилди. Шунингдек, Баҳмал туманидаги “Қутлуғобод” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони Туронбоева Норбўвига ногиронлар аравачаси, 2 нафар фуқарога эшитиш мосламалари берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида депутатларнинг ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллари жараёнида вилоятдаги ижтимоий ёрдамга муҳтож 120 оила ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, 96 нафар кам таъминланган фуқароларга турмуш шароитини яхшилаш ва соғлиқларини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш долзарб вазифадир. Бу борада депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан партиянинг “Бир ойда — бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида 50 га яқин ишсиз ёшлар давлат ва ҳўжалик соҳаларининг турли йўналишларига, 30 га яқини мавсумий ишларга жойлаштирилди.

— *Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалалари устида бош қотириб, зарур*



таклифларни илгари суришда умумий мақсадларимиздаги ҳаётий ва халқчил хуусиятларни ҳар намоён қилишимиз лозим, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ориф Шукуров. — Шундан келиб чиққан ҳолда депутатлик гуруҳлари ўз партияларининг жойлардаги дастурий мақсадларини амалда

рўёбга чиқаришнинг асосий функционал бўғинига айланиши керак. Шу маънода бугунги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, замон талабига мос янгилаш ёндашувлар билан ишлашни тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, халқнинг ишончли вакили бўлишнинг ҳам ўзига хос масъулияти ва мажбуриятлари бор. Уларни виждонан бажарган депутатларгина халқ эъзозига ва ҳурматига сазовор бўлишади.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
“Адолат” СДП Жиззах вилоят
кенгаши мутахассиси

«Беш том» МФЙда очиқ мулоқот ўтказилди

«Адолат» СДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар халқ манфаати ва фаровон турмушига қаратилганлиги билан аҳамиятли. Жойларда депутатлик гуруҳлари ҳам дастуриимизда белгиланган вазифаларни амалга оширишга масъулият билан ёндашиб келмоқда.

Халқ депутатлари Амурдәр туман Кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан Амурдәр туманидаги «Беш том» МФЙ биноида аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида фуқаролар билан ташкил этилган жонли учрашув ҳам фикримизни тақдидлайди.

Партия томонидан мазкур мулоқотлар чоғида муаммоларга тезкор ечим топиш мақсадида учрашувга тегишли соҳа вакиллари ва масъуллар жалб қилинди. Жумладан, «Беш том» маҳалла фуқаролари йиғини раиси Озод Сейтматов, туман ҳокими ёрдамчиси Жасур Ерметов ва Ёшлар ишлари агентли етакчиси Ҳусан Аширбаев мулоқотда иштирок этишди.

Учрашув чоғида аҳолини қийнаб келаятган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги мавжуд муаммолар юзасидан муурожаатлар тингиланиб, улар тегишли мутасаддилар иштирокида кўриб чиқилди.

Хусусан, Амурдәр тумани «Беш том» маҳалла фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Бозоргул Сапарова ичимлик сувини тозалаш ускунаси харид қилмоқчилигини, лексин маблағ билан боғлиқ муаммоси борлиги, Ўрозбика Ўтамуратова оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит олиш истаги борлиги, Ўрозимбат Сапарниязовнинг эса ер олиш бўйича муурожаатлари эшитилди. Мазкур муурожаатлар асосида тегишли масъуллар томонидан Бозоргул Сапаровага ичимлик сувини тозалаш ускунаси олиб бериладиган ва Ўрозбика Ўтамуратовага оилавий тадбиркорлик фаолиятини

бошлаш учун имтиёзли кредит ажратилаётган бўлди. Ўрозимбат Сапарниязовнинг ер олиш бўйича муурожаати юзасидан ер майдони аукцион орқали ажратилиши ва бу борада белгиланган тартиб-қоидалар ҳақида ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Аҳоли томонидан кўтарилган яна бир масала — фуқаролар ерларини суғоришда фойдаланадиган ички умумий ариқ бўйларни қўмилиб қолганлиги ва ерларини суғоришда сув таъминоти бўйича муаммоли ҳолатлар борлигидир. Депутатлик гуруҳи томонидан муурожаат жойида ўрганилиб, ҳомийлик ҳисобидан махсус техника ёрдамида аҳолининг чикинди тўланиб қолган ички ариқлари тозаланиб, сув келиши учун очиб берилди.

Шундан сўнг «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кам таъминланган ва имконияти чекланган фуқаролар Курол Бекенов, Флора Холбаева, Нодира Жуманиязова, Гуласал Камалова ва Гулбаҳор Холиμβетоваларнинг ҳолидан хабар олиниб, мазкур оилалар етқиёжи учун бир қопдан ун ҳомийлик қўмағи сифатида тарқатилди.

Натижали иш фаолиятидан мамнун бўлган сайловчилар ўзлари сайлаган депутатлар амалга ошираётган эзгу ишлардан миннатдор эканликларини билдиришди.

Мансур УРАЗБАЕВ,
халқ депутатлари Амурдәр туман Кенгаши
депутати

Хаёлимизга ҳам келмаган ўзгаришлар бўлмоқда



Хаёлимизга ҳам келмаган ўзгаришларнинг иштирокчиси, гувоҳи бўлаяпмиз: йил-ўн икки ой оппоқ халати билан ободончилик ишларига сафарбар қилинган, қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг асосий “хашар”чилари бўлган тиббиёт ходимларидан бугун шахсан давлатимиз раҳбари ҳол-аҳвол сўраяпти. Муассасалардаги таъминот ачинарли ҳолатда бўлганидан олдига нажот истаб келган бемордан тиббий қўлқоп сўрашга мажбур бўлган мутахассислар эндиликда давранинг тўрида...

Очиқ мулоқотга узоқ ва юқори даражада тайёргарлик қўрилгани яққол сезилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган ютуқлар, марралар билан бир пайтда ечимини кутаётган муаммолар алоҳида йўналишлар сифатида қайд этилди ва муҳими, уларнинг аниқ ечимига оид принципал ва стратегик ёндашувлар маълум қилинди. Бунда асосий эътибор фақатгина тиббий хизматдан фойдаланаётган аҳоли эмас, балки ушбу хизматни тақдим этувчи тиббиёт вакиллари, умуман, мамлакатимиздаги ҳар бир инсонга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилгани алоҳида эътирофга молик.

Инсон саломатлиги — бебаҳо неъмат. Гарчи баъзан, биз инсонлар бу беминнат бойлигимизнинг қадрига етмаётгандек, унга етарлича эътибор қаратмаётгандек бўлсак-да, у ёки бу сабаб жонимиз оғриб қолса, саломатликдан-да муҳим инъом йўқ эканлигига амин бўламиз. Айниқса, бутун дунё давлатларини эсанқиратиб қўйган пандемия шароитида ўтган давр бизга инсонлар умрини сақлаб қолиш ва соғлиқни сақлаш тизимига инвестиция киритиш энг устувор вазифа эканлигини ёдда сақлаш имконини берди.

Мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини сақлашга нафақат пандемия даврида, балки туб ислохотлар бошланган ўтган беш йилда энг устувор вазифа деб қаралмоқда. Ўтган даврда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига аҳолининг барча қатламига, айниқса, узоқ қишлоқ аҳолисига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, кўп тармокли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш бўйича етарлича тажриба тўпланди, бу борада илғор хорижий тажрибалар ўрганилди.

Соҳадаги ишларнинг қўламини, миқёси қай даражада ўзгарганини бунинг учун давлат бюджети маблағларидан ажратилган маблағлар ҳажми қанчалик оширилганидан ҳам билса бўлади. Хусусан, 2022 йилнинг ўзиди соҳага бюджетдан 24 триллион сўм йўналтирилди. Бу эса 2016 йилдаги маблағга нисбатан 4 баробар кўдир.

Ўтган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт бўюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар қўпайтирилди. Шу даврда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун халқаро молия ташкилотларидан 700 миллион доллардан зиёд маблағлар жалб қилинди.

Энг аввало, бирламчи тиббиёт бўғинини яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда одамлар шамоллаш, қон босими, юрак хуружи, қандли диабет, ошқозон ва нафас йўллари касалликларини даволаш учун энг зарур дори-ларини оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникалардан олмақда.

Аҳолига сифатли тиббий ёрдамни кенгайтириш мақсадида бирламчи тизимга 20 мингта ўрта тиббиёт ходимлари қўшилди. Шунингдек, қишлоқларда жойлашган 801 та оилавий поликлиника янги замонавий ташхис аппаратлари билан таъминланди.

Бундан 5-10 йил аввал минглаб юрдошларимиз даво истаб, қарз олиб бўлса-да, хорижий мамлакатларга боришга мажбур бўларди. Ёки ундан ҳам кўп учраган ҳолатни кўпчилигимиз кўрганмиз, эшитганмиз. Мураккаб ташхис қўйиш ёки даволаш амалиётини талаб қилмаса ҳам, 1 минг километр масофани босиб ўтиб, пойтахтдаги шифохоналарга отланганлар кўп бўларди. Бунинг бир қатор сабаблари бор эди. Биринчидан, чекка ҳудудларимизда малакали мутахассис етишмасди. Ҳудудлардаги аҳоли сонига нисбатан тиббий ходимларнинг сони ҳам кам эди.

Иккинчидан, шифокорларда ўз устида ишлаши учун етарли шароит, вақт, имкон бўлмасди. Учинчидан, маънан эскирган, ўз аҳамиятини йўқотган тиббий техника ва ускуналар билан кундан-кунга тури ва миқёси ортиб бораётган касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш ишларини сифатли йўлга қўйиб бўлмай қолганди. Тўртинчидан, узоқ йиллар давомида аҳолининг саломатлигини сақлаш борасида хусусий тиббий муассасаларнинг имкониятларидан фойдаланиш жоиз, деб билинмади.

Президентимиз ҳар сафар турли ҳудудларга борганида, у ердаги тиббий муассасаларга ҳам кириб ўтишлари, маҳаллий аҳолини ўйлантираётган масалалар билан қизиқишлари ўз натижасини бермай қолмади. Хусусан, сўнгги беш йилда ҳудудларда 23 та ихтисослашган тиббиёт марказларининг юздан ортқ филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Натижада илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва ташхислар маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди. 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта йўлга қўйилди.

Қувонарли томони, зарур моддий-техник база ва малакали мутахассисга эга бўлган хусусий клиникаларга мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётини ўтказишга рўхсат берилиши хорижга даво излаб кетаётган юрдошларимиз сафини сезиларли даражада қисқартирди.

Очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари соҳа вакиллари ва аҳолидан келиб тушган муурожаатларни умумлаштириб, улар асосида 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. Бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббиёт муассасаларининг шароитини яхшилаш, соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш, шифохоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш, касалликларнинг олдини олишга қаратилган янги ташаббуслар илгари сурилди.

Масалан, жойларда поликлиникалар тармоғи янада кенгайтирилиши, хусусан, 2 мингдан зиёд олис маҳалларда тиббиёт пунктлари ташкил этилиши таъкидланди. “Қишлоқ шифокори” дастури янада тақомиллаштирилиб, чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг ойлик иш ҳақида 2 миллион сўмдан қўйишга устама тўланади, уй-жой сотиб олишга қўмақлашади. Бундай жойларда улзуксиз уч йил ишлаган шифокор клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилинади. Нафақага чиққан тажрибали шифокорларга ўз уйида ёки ижара бинода даволашга рўхсат берилади.

2022-2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимидаги барча эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилади. Бирламчи бўғиндан бошлаб, тиббиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш бўйича дастур қабул қилинади. Икки йил ичида барча тиббиёт муассасалари янги компьютерлар билан жиҳозланади. Қоғозбозлик қисқартирилиб, замонавий услуб ва ускуналарда ишлашга ўтилади.

Учрашувда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилар экан, тиббиёт ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Жорий йил 1 июндан тиббиёт ходимларининг ойлик маоши малака тоифасига қараб 15 фоизгача оширилади. Юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокорларга эса яна 25 фоиз миқдориди устама тўланади.

Албатта, бу борадаги кен қўламли ишларнинг ижросини назорат қилиш биз парламент аъзоларига улкан масъулият қўлайди. Депутатлар жойларда соғлиқни сақлаш соҳасида учраётган муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини бўйича асосли тақлифларни беришда иштирок этиши, қонунчилик ташаббусларини илгари суриши муҳим аҳамият касб этади.

Бу жараёнда асосий электроти соғлиқни сақлаш ходимлари бўлган “Адолат” СДП фаоллари ва унинг парламентдаги фракцияси аъзолари соғлиқни сақлаш соҳасига оид амалдаги қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини ўзида бириштирадиган Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, соғлиқни сақлаш соҳаси барчамизга дахлдор, ҳаёт-мамотни ҳал қилувчи муҳим масала. Соҳани янада ривожлантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишдан барчамиз бирдек манфаатдормиз.

Бизга мактуб йўллабсиз

Бутунги кунда юртимизда барча соҳаларда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли шахар ва қишлоқларимиз кундан-кунга қўркамлашиб бормоқда. Одамлар яратиш ва яшнатиш ишида меҳнат қилаяптилар. Тахририятимизга келаятган мактублар муаллифлари маҳаллаларида олиб борилаётган турли ўзгаришлар, маҳалладошларининг турмуши яхшиланаётганлиги ҳақида фахр билан ёзадилар. Бундан қалбнинг қувончга тўлади. Аммо гуруч қурмаксиз бўлмагани каби баъзи хатларни очиб ўқир экансан, фуқароларимизнинг турли тизимлардаги ноҳақликлар, қонунбузилиш ҳолатлари, ҳуқуқлари паймол бўлаётгани тўғрисида қуйиниб ёзганларини ўқиб, қўнғилнинг гаш бўлади. Қўйида айрим ана шундай мактубларга тўхталамиз.



ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Жиззах вилояти, Арнасой тумани, “Янгибўстон” ҚФЙ, Навоий кўчаси 17/1 хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Давлатбой Тўхтамишев укаси Икром Тўхтамишев ва бошқаларнинг 25 бош отлари фермер хўжалиқларининг ер майдонларини пайхон қилгани, 2017 йил август ойининг 24-санасида Арнасой тумани маъмурий суди томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жарима белгиланганлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ҳақида ёзади. **“Далани пайхон қилган отларнинг 9 боши укам Икром Тўхтамишевга тегишли бўлиб, шундан 5 бош от қайтариб берилди. Аммо 4 бош от силри тарзда йўқ қилинди. Яъни отиям, зотиям йўқ! – деб ёзади Д.Тўхтамишев. – Ҳолбуки, отлар 2017 йилнинг июнь ойида сақлаш учун Ш.Рашидов туманидаги отчопарга юборилган ва август ойида “Меъмор О” МЧЖга сақлаш учун бериб юборилган. Бундай тартибсизликлар юзасидан Жиззах вилояти маъмурий судига мурожаат қилдик ва суд томонидан тақдим этилган 2018 йилнинг 22 октябрдаги 2-878 сонли хатда Арнасой туман прокуратурасидан 4 бош от фуқаро Т.Баратов томонидан қайтарилмаётганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилиши сўралган. Жиззах вилоят Халқ қабулхонасига ҳам мурожаат қилдик. Халқ қабулхонасига қилган мурожаатимизга асосан Жиззах вилоят ИИБ, жиноят қидирув бошқармаси томонидан берилган 2018 йил 2 декабрда 4/2-Т-68 сонли жавоб хатида, жумладан, “4 бош отни Мажбурий ижро бюроси Ш.Рашидов тумани бўлими ходимлари олиб кетганлиги сабабли, прокуратура органлари ходимлари бўйича суриштирув ишларини**

олиб бориш Ички ишлар органларининг ваколатига кирмаслиги” билдирилган”. Гапнинг қисқаси, мана 4-5 йилдирки, масъул ҳуқуқ органларининг отангга бор, онангга бор, деган жавоби ўзгармаган. Фуқаронинг қўлида суднинг “отларни қайтариб бериш” юзасидан қарори бўлса-да, қарорни бажарувчи йўқ. Жиззах вилояти суд-ҳуқуқ органлари ўз вазифасига шунчалик масъулиятсизлик билан қарайдиган бўлса, фуқаролар дардини ким ешитади? Аслида ҳуқуқбузарлар, аниқроқ айтганда, от ўғрилари ким?.. Тахририятимизга келган яна бир мактубни Қашқадарё вилояти Яқкабоғ тумани, “Наврўз” МФЙ фуқаролари номидан Мусирмон Хушиев йўллаган. Хатда баён қилинишича, 2017 йилда Яқкабоғ туманининг Наврўз массивида ажратилган 800 гектар майдоннинг 500 гектарига хориждан келтирилган ёнғоқ кўчати, 300 гектарига эса бодом кўчати экиш ишлари бошланиб, кўпчилик ёшлар ишга жалб этилган. Мақсад – янги боғ яратишга қаратилган, бу саъй-ҳаракат туфайли анчагина ишсиз ёшлар бандлиги таъминланишидан аҳоли ниҳоятда мамнун бўлган. **“2018 йилда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига қилган таширфи жараёнида Яқкабоғ туманидаги Каттабоғ ёнғоқзорини кўриб: “Бу боғ келажакда халқимиз учун катта даромад келтиради, бу боғда кўпчилик аҳоли иш билан таъминланади”, деган сўзларини эшитиб, барчамиз хурсанд бўлдик ва бизда ишлаш имкони пайдо бўлди, –** деб ёзади муаллиф. – **Аммо, афсуски, қувончимиз узокқа чўзилмади, бизга иш беришмади”.** Мактуб муаллифининг баён қилишича, 5 йилдирки, қишлоқ ёшлари

иш сўраб, боғ раҳбариятига мурожаат қилишади, аммо ҳар гал рад жавобини олишади. **“Ҳайратланарлиси, 50 гектарлик ёнғоқзорда бор-йўғи 2 киши ишларкан, холос. Мавсумий ишда қизлар ишласа ҳам биз йигитлар ишсиз қолиб кетаямиз, –** дейди М.Хушиев. – **Ушбу хатни газетамда босиб чиқарсангизлар. Шояд тегишли кишилар ўқиб, ҳулоса чиқаришса...”** Бу мактубдан кўриниб турибдики, билаги кучга тўлган ёшлар иш сўрашапти. Яқкабоғ тумани мутасаддилари бу масалада, яъни, ёшлар бандлигини таъминлашда ўз кўмақларини аямайдилар, деган умиддамиз. **“Адолат”дан адолат излаб”** сарлавҳали мақола муаллифи Дилнозахон Холбекова Фарғона вилоятининг Боғдод тумани, Боғдод шаҳарчаси, “Бобуршоҳ” кўчасидаги 67-уйда истиқомат қилади. У оилали, икки нафар фарзанднинг онаси, аммо бир неча йиллардан бери ижарада яшаши, турмуш ўртоғи мавсумий ишчи эканлиги, туман тез тиббий ёрдам бўлимида 15 йилдирки навбатчи ҳамшира вазифасида ишлаб келаётгани ҳақида ёзади. У ҳалол насибаси билан оиласини иқтисос

Инсон чорасиз вазиятга тушса, ноҳақликдан азоб чекса, муаммолар гирдо-бида қолса, қонуний ҳуқуқларини тиклашга умид қилиб, тегишли ташкилотларга, тахририятларга минг бир илинж билан мактуб йўллайди, ёрдам кутади ва албатта, унинг жавобига ҳам сабрсизлик билан бутун вужуди қуюлққа айланиб кўз тикади. Биз ҳам тахририятимизга мурожаат қилган фуқароларимиз яшайдиган, ишлайдиган ҳудуд, корхона-ташкilotлар, масъул суд тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари уларнинг ҳақли талаблари ҳал этилишига, ҳуқуқлари тикланишига кўмаклашадилар, деган умиддамиз ва бу мавзуга яна қайтамиз.

Зеро, ҳар бир хат ортида инсоннинг кечинмалари, ҳаёти, тақдири ётади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, одамларнинг ҳаётдан розилисига эришиш лозим. Бундай олижанов ва хайрли ишга ҳисса қўиши эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Саодат РАХИМОВА,
“Adolat” муҳбири

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази огоҳлантиради

“ЭНДИ ФОЙДАСИ ЙЎҚ”

дейишса, ишонманг...

Тавсияларга амал қилинг!

Ҳозирги кунда энг кўп содир этилаётган жиноятлар – мулккий жиноятлар бўлса керак, назаримда. Чунки ҳар кунги янгиликларнинг ичида камида биттаси қайсидир мансабдор шахс давлат пулини ўзлаштирганлиги ёки кимнингдир қанча маблағи ўмарилгани ҳақида бўлади.

Мулккий жиноятларнинг барчасида мақсад мулкка қаратилган. Унга босқинчилик, товламачилик, ўғрилик, фирибгарлик ва бошқа йўллар орқали эғалик қилиш кўзланган бўлади. Ушбу қилмишларнинг барчасига Жиноят кодексига жавобгарлик белгиланган. Масалан, босқинчилик жиноятининг ўзи камида беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган. Бу эса ўзига тегишли бўлмаган мулкни ўзлаштиришнинг оқибатлари оғир эканлигини ва барчанинг мулки ҳимоя қилинишини аңглатади.

Қонунчилигимизда қатъий жавобгарликлар белгиланганлиги билан, афсуски, мулккий жиноятлар ҳамон содир этилмоқда.

Мулккий жиноятлар содир

этилишига асосий сабаблар...

Фикримизча, бундай жиноятларнинг кўплаб содир этилишига: айрим одамларнинг қандай йўл билан бўлмасин бойлик орттиришга ўқилиги;

фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарлича ривожланмаганлигига дейиш мумкин.

Биринчи асосни кўрсатганимизнинг сабаби шундаки, айрим одамларга осон бойлик орттириш йўллари жуда ҳам қизиқарли ва манфаатлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, айрим инсонлар меҳнат қилгиси келмайди ёки унинг қилган қилмишига жавобгарлик йўқлигига ишонади. Масалан, кўплаб фуқаролар жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш мумкин эмаслигини билмайди ва бу бўйича тегишли идора вакиллари уларни жавобгарликка тортганларида эса ҳайрон қолишади. Одат бўлиб қолган ва ҳаётда ҳар кун тақорланувчи ҳаракатларнинг барчаси ҳам қонуний эмаслигини фуқаролар билиши лозим.

Иккинчи асосни кўрсатишимизга сабаб айрим фуқаролар қайсидир ҳаракатларнинг жиноий ёки маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкинлигини билмайди. Шу билан бирга айтиш жоизки, уларнинг ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатини билмаганлиги оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Барча фуқаролар ўз ҳаракатларининг ҳуқуқий асоси ва оқибатини билиши учун ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожланиши керак. Шунда кўплаб қонуний ҳаракатларнинг олдини олишимиз мумкин.

Мулккий жиноятлар қурбонига айланмаслик учун нима қилиш керак?

Шартнома тузмасдан бировга пул бермаслик;

Шартнома маълумотларини ҳақиқийлигини текшириш (сиз билан шартнома қилаётган фирма ёки корхонанинг ҳақиқийлигини ва фаолиятини текшириш);

Маҳсулотни олишда ишомасдан қарор қабул қилиш;

Катта миқдорда нақд пул олиб бормаслик;

Пластик картага қийн код (пароль) қўйиш ва уни ҳеч кимга бермаслик (айтмаслик);

Мулкларни кўз-қўз қилмаслик (айниқса, қимматбаҳо бўлса);

Уй ва шунга ўхшаш мулкларни қаровсиз қолдирмаслик (ҳар доим қулф ҳолда сақлаш);

Бировнинг мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

Телефон орқали маълумот сўровчи ҳар қандай шахсга ҳам ишониб кетмавмаслик (қайси давлат органи ёки бошқа ташкилотлардан дейишига қарамасдан).

Жабрланганлар каерга мурожаат қилиши керак?

Биринчи навбатда, мулккий жиноятлар қурбони бўлганингизда сиз айримларнинг “энди пулингни қайтариб ола олмайсан” ёки “фойдаси йўқ энди” каби гапларига қулоқ солмаслигингиз керак.

Иккинчидан, сизни алдаб маблағларингиз мақсадсиз сарфланса, алдаш ёки куч ишлатиш йўли билан маблағларингизни олиб қўйишса, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга (ички ишлар, прокуратура ва давлат хавфсизлик хизматлари) мурожаат қилишингиз зарур. Қанча тез бўлса, шунча яхши. Кўпчиликнинг фойдаси йўқлиги ҳақидаги гапларига қулоқ солиш ўрнига бу вақтни юқорида санаб ўтилган давлат органларига мурожаат қилишга сарфланг.

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

Жиноятга жазо муқаррар

ФИРИБГАР АЁЛ

суд залидан қамокқа олинди

Фирибгарлик бамисоли ҳумори тутаверадиган дардга ўхшайди. Бир маротаба қўл урган кимса вақт ўтиши билан яна унинг кўчасига кириб қолганини сезмай қолади. Айниқса, фирибгар аёлларининг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, бунга такрор-такрор амин бўлаверасиз.

Олтиариқлик Малоҳат Мамараҳимова (исм-шарифлар ўзгартирилган) бундан 2 йил аввал мазкур “ҳунар”нинг бошини тутди-ю унга ўрганиб қолди. Аксинча бўлганида у бир йилда 2 маротаба айнан фирибгарлиги учун судланмаган ва бугун темир панжаралар ортида ўтирмаган бўларди. Гап шундаки, Малоҳат дастлаб 2020 йилда жиноий шериклари билан олдиндан тил бириктириб, фирибгарлик ҳамда пора беришга далолат қилиш жиноятини содир этади. Оқибатда бу қилмиши учун жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг 2021 йил 18 февралдаги ҳукмига биноан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Буни қарангки жазо муддатини ўтаётган пайтда М.Мамараҳимованинг 2020 йил охирида қўл урган яна бир фирибгарлиги фош бўлади. Эйтиборлиси, у мазкур жиноятни фи-

рибгарлик бобида Олтиариқда “донг таратган” – муқаддам “атиғи” 15 маротаба судланган Умринисо Ҳожибоева билан бирга содир этади. Ушанда – 2020 йилнинг ноябрь ойи ўртала-рида Малоҳат Олтиариқ туманининг “Ипакчи” маҳалласида яшовчи таниши Авазжон Тожа-лиев билан учрашиб қолади. Сўхбат асносида аёл Авазбекнинг узум боғини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида банкдан кредит олиш ниятида юрганидан воқиф бўлади. – Хоҳласангиз дугонам ёрдам бериши мум-кин. У вилоятдаги банклар ходимлари билан жуда яқин, – дейди М.Мамараҳимова тайёр ўл-жани қўлдан чиқаргиси келмай. Унинг асл мақсадидан беҳабар А.Тожалиев дарҳол таклифга рози бўлади. – Дугонам билан гаплашиб, эртага сизга жа-вобини айтман, – деб ишонтиради у. Чиндан ҳам эртаси куни Малоҳат Авазжонга кўнғироқ қилиб, фуқаролик паспорти нусха-сини туман марказига олиб келишини айтади. Юзма-юз учрашишганда эса кредит олишининг ўзига яраша “харажати” борлигини маълум қи-лади. Бинобарин, бўлажак мижоз паспорт нус-

хасига қўшиб, 200 АҚШ долларини аёлнинг қўлига тутқазади. Кейин М.Мамараҳимова уни Умринисо билан учраштириб қўяди. Шу тарика ҳиккала “ҳожатбарор” кредитни расмийлаштириш баҳонаси билан бир ой мо-байнида Авазжондан 800 АҚШ доллари оли-шади. Унинг ишончини қозониш учун УҲожи-боева хатто бир кунги узум боғини суратга ол-гани ҳам келади. – Бу суратлар кредит папкасига тикилади, – дейди у. Соддадилликни қарангки, ана шу кез-ларда А.Тожалиев банкдан кредит олаётгани ҳақида ўзи ишлайдиган фермер хўжалиги раҳ-бари Дилбархон ва боғдаги қўшниси Муҳам-мадмирга мақтаниб гапирди. Бунни эшитиб, улар ҳам кредит олиш пайига тушиб қолишади. Яъни Авазжондан Умринисо билан гаплашиб кўришни ва ўзларига ҳам кредит олишда ёр-дам беришини илтимос қилишади. – Банкдагиларни рози қилишса, уларга ҳам кредит нақд даяверинг, – деб жавоб беради УҲожибоева ўз оёғи билан келиб турган “ўл-жа”ларни илтинтириш учун замин яратиб. Шундан сўнг Малоҳат билан Умринисо акциядорлик тижорат “Аска банк”нинг Фарғона филиалидан кредит олиб беришни ваъда қилиб, Дилбархоннинг акиси Дилмурод Раҳимовдан 700 АҚШ доллари, Муҳаммадма-мур Ҳошимовдан 800 АҚШ доллари ва 450.000 сўм пулларни кўртдек санаб олишади. Аммо... Аммо ваъдалашилган муддатдан ўтиб кетса ҳамки уччала мижозга ҳам кредит ажратил-майди. Жабрланувчилар алданганларини аңглаб етишганда эса фирибгар дугоналар олган пулла-рини аллақачон ҳазм қилиб улгуришганди. Бундан ташқари, “қаҳрамон”ларимиз Бағдод туманининг “Кўғоли” маҳалласида истиқомат қилувчи Умиджон Исмоиловни ҳам чув тушир-моқчи бўлишади. Негаки, 2019 йилда касб- ху-



нар коллежини тамомлаган Умиджонни ол-тиариқлик таниши Улмасбой Парпиев М.Мамараҳимовага рубарў қилиб қўйганди-да. Ваҳоланки, У.Исмоилов Улмасбой акадан таж-рибали репетитор топиб беришни илтимос қилганди. Малоҳат бўлса унга 2500 АҚШ дол-лари ваъзига республиканинг нуфузли идора-ларида ишловчи акашонлари орқали Тошкент-даги истаган олий ўқув юртининг дипломини олиб беришини айтади. Бироқ билимли ўқи-тувчининг қўлида таёйрланиб, ўз кучи билан талаба бўлиш орзусидаги йигитча бу таклиф маъқул келмайди. Шу боис Умиджон мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этади. Пирова-р-дида М.Мамараҳимова 2021 йил 11 июнь кун

У.Исмоиловдан келишилган пулнинг бир қисми – 500 АҚШ долларини олаётган вақтда Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноят-ларга қарши курашиш Департаментининг Олтиариқ туман бўлими ходимлари томони-дан ушланади. Бинобарин, унга нисбатан Жи-ноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилади. Тергов жараёнида эса Малоҳатнинг Умринисо билан бирга содир эт-ган юқоридаги кирдиқорлари ҳам фош бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, маз-кур иш жиноят ишлари бўйича Олтиариқ ту-ман суди томонидан кўриб чиқилиб, суд ҳу-кумига мувофиқ, иккала фирибгар Жиноят кодек-сининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28, 211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, озодликдан маҳрум қилиш жа-зо-сига маҳкум этилди. Шу боис улар суд залидан қамокқа олинди. Суд ҳукмида судланувчилар-дан жабрланувчиларга етказилган зарарларни ундириш ҳам белгиланган. Лекин Малоҳат Ма-мараҳимова қилмишидан пушаймонлиги ва ёлғиз оналигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жа-зо тайинлашни сўраган ҳолда Фарғона вилоят су-дига апелляция шикоятни берди. Апелляция суди мажлисида биринчи босқич суди судланувчига жазо тайинлашда иш-нинг барча жиҳатларини, аёл киши эканли-гини, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллашти-рувчи ҳолатларини инобатга олиб ҳамда Жи-ноят кодексининг 57-моддаси (енгилроқ жазо тайинлаш)ни қўллаб, қонун доирасида озод-ликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлагани аниқланди. Шунга қўра, унинг шикоят қано-атлантирилмасдан, суд ҳукми эса ўзгаришсиз қолдирилди.

Феруза СИДИҚОВА,
Фарғона вилоят судининг судьяси



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

ИЛМ-ФАН ОЛАМИНИНГ БУЮК КАШШОФИ

Милодий 850 йилнинг ёзида Бағдод шахри ва унинг атрофларида илгари сира қўрилмаган га-рийиб ҳамда тахликали воқеалар рўй беради. X асрда яшаган тарихчи Мухаммад ан-Надим бу ху-сузда “*Ер силкиниб, даҳшатли ҳолат содир бўлди. Само юзини қора булут қўланкеси қоплади. Кат-тиш қақмоқ чақиб, момокалдироқ ғўмбўрлаши атрофни тутди. Ёмгир бошланиб, исли қўрилмаган селга айланди. Сел натижасида Дажла ва Тигр дарёлари ўзанидан кўтарилиб, атрофни сув босди. Бу ҳолат бир неча кун давом этди. Кўтилмаган воқеадан одамлар тахликага тушидилар. Бу воқеа-лар билан бирга бағдодликлар яна ҳам қайғули хабарни эшитдилар. Улуғ аллома, ислом оламида буюк инсон Мухаммад Мусо ал-Хоразмий Бағдоддаги Шаммосия расадхонасида ишлаб турган пай-тида ҳаёт билан видолашган эди. Ана шунда одамлар орасида “Бу галаёнлар табиатнинг дунё илм-фан соҳасида ноёб иқтидор эгасининг вафотида қайғуси эди”, деган гап тарқалди. Бу айни ҳақиқат эди”, деб ёзди. Муаррих бу воқеани келтириш билан Мухаммад Мусо ал-Хоразмийнинг ўз даврида буюк эхтиромга сазовор инсон бўлганлигини алоҳида эътироф этади.*

Улуғ алломанинг ҳаёт йўли, ил-мий фаолияти осон кечмаган. Та-рихий битикларда унинг 783 йилда Хоразмда, Хива шаҳрида таваллуд топганлиги ёзилган. Олимнинг тў-лиқ исми илмий асарларда Абу Жаъ-фар Мухаммад ибн Мусо ал-Хораз-мий ал-Мажусий ал-Қутруббуллий деб келтирилади. Номидаги мажусий лақаби аждодлари зардуштийлардан бўлганлигини кўрсатади. Қадимда зардуштийларни “мажусийлар” деб аташ расм бўлган. Қутруббуллий эса унинг Бағдодда яшаган жойи номини билдиради. Мухаммад ал-Хоразмий Хива, Кат, Гурганж мадрасаларида таълим олади. У ёшлигидан мате-матика, астрономия, жугрофия, та-рих фанларини жиддий ўрганади. Бунинг сабаби бор эди. Хоразмлик зардуштийлар орасида бу фанларни билиш мажбурий эди. Ота-онаси зар-душтий кохинлари бўлгани учун у ҳам бу соҳалардан мукамал таъ-лим олади. Алломанинг кейинги фа-олияти Марвад кечади.

Унинг ҳаётининг бир қисми ана шу шаҳарда кечишининг сабаблари бор эди. 808 йилда Бағдод халифаси Хо-рун ар-Рашид Хуросонда қўзғолон кўтарган Рофиъ ибн Лайс ал-Лай-сийга қарши юриш бошлайди. Аммо Хорун ар-Рашид йўлда вафот этади. Унинг катта ўғли Амин отаси ўрнига халифалик тахтига ўтиради. Ик-кинчи ўғли Маъмун эса халифалик-нинг Марвадга ноиб, ҳукмдори этиб тайинланади. Маъмун уша йилларда (809 йилдан кейин) ўз атрофига Хуро-сон, Мовароуннахр, Хоразмдан илм ахлини, истеъдодли алломаларни тўплайди. Улар орасида Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Хабаш ал-Ҳосиб ал-Марвазий, Хо-лид ал-Марваррудий, Яхё ибн Абу Мансур, Санад ибн Али каби олим-лар бор эди. Мухаммад ал-Хоразмий бу ерда илмий ишларини давом этти-риш билан бирга мадрасаларда му-дarrisлик ҳам қилади. Замондош-лари унинг ёшлигидан етук иқтидор эгаси бўлганлиги, араб, юнон, санс-крит, форс, қадимги яхудий тилла-рини яхши билганлиги, бу тиллардан кўплаб илмий асарларни таржима қилганлиги ҳақида маълумотлар ҳам ёзиб қолдирганлар.

813 йилда Маъмун халифалик тах-тини эгаллаганидан кейин, 819 йилда Марвдан Бағдодга кўчади ва ўзи би-лан бирга барча алломаларни олиб кетади. Ана шундан кейин Мухаммад Мусо ал-Хоразмийнинг фаолияти Бағ-дод Маъмун академияси – “Байт ул-ҳикма” билан боғлиқ ҳолда кечади.

Тадқиқотчиларнинг олиб борган ку-затишларига кўра, Мухаммад ал-Хо-размий 20 дан ортиқ илмий асарлар яратганлиги аниқланди. Лекин улар-нинг асарияти бизнинг давримиз-гача етиб келмаган. Улар орасида “Алжабр вал-муқобала” (“Тенглама-лар ва қаршилантириш”), “Ҳисоб ал-ҳинд” (“Ҳинд ҳисоби”), “Зижи Хораз-мий”, “Китоб сурат ал-арз” (“Ер су-рати ҳақида китоб”), “Устурлоб ясаш ҳақида китоб”, “Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”, “Устурлоб ёр-дамида асимутни аниқлаш ҳақида”, “Китоб ар-руҳома”, “Китоб ат-таърих”, “Қуёш соати ҳақида китоб”, “Яхудий-

ларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола” каби асар-лари маълум. Бу асарларнинг тўрт-таси араб тилида, иккитаси лотин ти-лига таржимада, яна иккитаси бош-қа алломалар асарлари таркибида сақланиб қолган. Бошқа асарлари хо-зирча топилмаган. Алломанинг барча асарлари дунё илм-фанида маълум бир соҳалар бўйича улуғ кашфиёт-лар ҳисобланади. “Ҳинд ҳисоби” – арифметикада, “Алжабр вал-муқо-бала” – алгебрада, “Зижи Хоразмий” – астрономияда, “Китоб сурат ал-арз” – географияда, “Китоб ат-таъ-рих” – тарих фанида оламушулул ян-гиликлар бўлди. Жаҳон фанида шу соҳалар бўйича Хоразмийдан кейин яратилган барча кашфиётлар алло-манинг илмий хулосалари асосида дунёга келган. Шунинг учун аме-рикалик олим Дэвид Сартон “Бутун IX асрнинг биринчи ярмини “Хоразмий даври” деб аташ мумкин. Агар ўша даврдаги умумилмий ҳаётни эъти-борга оладиган бўлсак, у ҳамма даврларнинг энг буюк сиймоси ва кўп фанларнинг асосчиси”, деб ёзади.

Математика ҳақидаги дастлабки тушунчалар, илмий қарашлар қа-димги юнон ва рим олимлари Арис-тотель, Архимед, Пифагор, Евклид, Птолемей асарларида тилга олин-ган эди. Улар сонларни белгилаш, уларни қўшиш, қўпайтириш учун ҳар хил усуллардан фойдаланган-дилар. Рим рақамлари орасида 12 лик, 20 лик, 60 лик санок тизимла-рина мавжуд эди. Бошқа санок тизим-лари йўқ эди. Математик амалларни белгилашда ҳам ягона илмий асос

ҳинд математиги ва астрономи Брах-магуптанинг “Катта Синдхинд” асарида ҳам мавжуд эди. Аллома Ҳабиб ал-Фа-зорий томонидан араб тилига таржима қилинган бу асар VIII – IX асрларда араблар ўртасида машҳур бўлса ҳам, одамлар ўртасидаги ҳамкорлик му-носабатларини ўрнатишда қийинчи-ликлар туғдирарди. Шу сабабли Бағ-дод ҳукмдори, халифа ал-Маъмун бу асарни қайтадан ишлаб, тўлдиришни ал-Хоразмий зиммасига юклайди.

Мухаммад Мусо ал-Хоразмий “Ҳинд ҳисоби” китоби бошида шун-дай деб ёзади: “*Раҳмли ва меҳри-бон Тангрига лойиқ мақтов-лар айтайлик, унга меҳр-муҳаб-батимизни билдирайлик ва унинг нияҳотда улуғворлигини кўпларга кўтариб намоён этай-лик, токи у бизни адолат сари, ҳақ йўлидан илм сари бошлаб борсин. Ҳиндлар 9 та ҳарфдан, уларни ўзлари хоҳлаганларича жойлаштиришларига кўра ис-таган сонларни яратганларини кўрганимдан кейин мен ҳам сон-ларни ифодалайдиган ҳарфларни ўрганаётганларга осон бўлиши учун ўзига хос тарзда жойлашти-риб чиқишни ният қилдим. Агар ҳиндлар сонларни ифодалайди-ган ҳарфларни жойлаштириш билан нимага эришган бўлсалар, мен ҳам сонларни кўрсатади-ган ҳарфларни ўзига хос тарзда жойлаштириш билан мақсадимга эришдим. Бунда мен одамлар учун (ҳисоб-китобда) осон йўлни талладим”*. Бу сўзлардан англа-шилиб турибдики, Мухаммад Мусо



الأرقام العربية التي وضعها العالم المسلم الخوارزمي، والتي تستخدم اليوم في الغرب كل رقم يرمز حسب عدد زواياها

روائع ثقافية إذا استفدت من المعلومة افظف إعجاب واكتب تم

етишмасди. Улар асарларида мате-матика фан сифатида шаклланма-ганди. Худди шундай ҳолат қадимги ҳинд математиклари асарларида ҳам учрарди. Улар санокларида 1 дан 9 гача бўлган сонлар ишлатиларди. Бироқ катта сонларни белгилашда қийинчиликлар, чалкашликлар юзага келарди. Бундай камчиликлар

ал-Хоразмий ҳиндлардан матема-тика соҳасида маълум бир шаклни олган, унга янги мазмун бахш этиб тўлдирган, илмий янгиликлар кирит-ган. Натижада илмий жиҳатдан асос-ланган, шаклланган янги математик асар – “Кичик Синдхинд” ёки “Ҳинд ҳисоби” яратилган. Аллома аса-рида, аввало, бирдан тўққизгача бўл-



БИРИНЧИ МАҚОЛА



Таълимдаги ислохотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев талаба-ларнинг ишлаб, даромад топиши учун қўшимча имкониятлар яра-тиш борасида янги топшириқлар берди. Бу ҳам бўлса ёшларнинг ижтимоий ҳимояси ва уларнинг яхши яшаши масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканлигининг яна бир тасдиғидир.

ТАЛАБАЛИКДАН тадбиркорликка

Таъкидлаш керакики, авваллари ҳам ушбу масала турли кўринишда Пре-зидент томонидан илгари сурилган. Хусусан, олий таълим муассасаларида Коворкинг марказлари ташкил этиш ва талабаларнинг бизнес лойиҳаларини рағбатлантириш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда олийгоҳларда 510 минг талаба кундузги шаклда ўқимокда. Дав-лат раҳбарининг топшириғига мувофиқ ректорлар талабалар ўртасида суҳбат ва суровномалар ўтказмоқда. Талабаларнинг 100 минг нафарга яқини ишлаш ва қў-шимча даромад топиш нияти борлигини билдирган.

Шу асосда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам Коворкинг маркази ташкил этилган. Кафедраларда ўқилаётган фанларнинг хусуси-ятларидан келиб чиқиб, талабаларга тадбиркорлик борасида билим ва кў-никмалар берилмоқда. Масалан, “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш” кафедрасида битирувчи талабалар учун “Инвестиция лойиҳалар таҳлили” фани ўқитилади. Зеро, кафедра битирувчилари лойиҳаларни ишлаш, чуқур таҳлил қилиш ва амалиётга таъбиқ этиш бўйича назарий ва амалий билим-ларга эга бўлиши лозим. Бу борада талабаларнинг бизнес лойиҳа тайёрлаб бориши рағбатлантириб борилмоқда. Талаба ўрта ва ириқ инвестиция лой-иҳаларини таҳлил қилиш билан бирга кичик бизнес лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқиши, ўқиш жараёнида устозлардан керакли маслаҳатлар олиши ва тала-балик давридаёқ тадбиркорликка кириб бориши мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, битирувчи талабалар тренинг марказлари, кичик тадбиркор-лик, хизмат кўрсатиш ва информацион технология корхоналари ташкил этиш-ган. Жумладан, 4-курс талабаси Алибек Йигиталиев маркетинг хизматлари кўрсатиш корхонасининг бизнес лойиҳасини ишлаб чиқди ва амалга оши-ришга тайёрлади. Натижада Тошкентдаги таниқли маркетинг компаниясида ўқишдан ташқари вақтда ишлаб, маош олмоқда. Бунга “Инвестиция лойиҳа-лари таҳлили” фанидан мустақил лойиҳа ишлаш бўйича қўйилган ўқув дасту-рининг талаблари асос бўлди. Алибек лойиҳаси намуна сифатида “Талаба-ликдан – тадбиркорликка” мавзусида 2021 йил 16 декабрда ўтказилган семи-нар тренингда талабаларга тақдирот қилинми ва видео-кейс сифатида ёзиб олиниб, ТДИУ сайти ҳамда ўқув платформасида оммалаштирилди.

Яна бир талабамиз Фароғат Алиева доривор ўсимликлардан дамламалар тайёрлаш бўйича хусусий тадбиркорлик фаолиятини Ягона дарчадан рўйхат-дан ўтказган ҳолда бошлади. Ишни аввал бир поликлиникада ривожланти-риб, кейин бир неча поликлиникаларда ташкил этди. Унинг лойиҳа ва тажри-баси ҳам талабаларга намуна сифатида семинар тренингда намоиш қи-линди. Материаллари ва тақдироти асосида видео-кейс ёзиб олинди ва ундан ўқув материаллари сифатида фойдаланиш катта самара бермоқда.

Бундай тадбирдан қутилаётган натижа – тадбиркорликка қараб интилган талабаларни юзага чиқариш, иккиланаётган талабаларнинг қизиқиши ва ши-жоатини оширишдир.

Талабаларнинг ўқишдан ташқари вақтларда соатбай ёки қонун доирасида ишлаши ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам мавжуд. Талаба ҳам ишлаб, ҳам ўқишнинг ижобий томонлари кўп. Ҳатто миллионерлар ҳам бо-лаларининг ишлаб, ўқишларини қўллаб-қувватлайди. Бу талабанинг ўқишдан узилиб қолиши ёки дарс қолдириши учун имтиёз бермайди. Албатта, талаба ўқув материалларини ўзлаштириши шарт. Илм олиш асосий устувор вазифа эканлигини эсдан чиқармаслик ўша муҳим.

Республикада бу ишларни тизимли ташкил этиш учун Бош вазир раҳбар-лигида республика комиссияси тузилиши белгиланган. Ҳокимлар ҳам ректор-лар билан бирга худудларда шундай комиссиялар ташкил этади. Комиссия: *вилоят ҳокимлари ва ректорлар билан бирга ҳар бир олийгоҳ кесимида «талабалар баланси»ни аниқлаб олади; вақант ўринларини таҳлил қилиб, ҳар бир виллоят бўйича 1, 2 ва 3-курс талабаларининг камида 30-40 фоизини ишга жойлаш чораларини кўради; битирувчи курслар талабаларини эса ҳоким, ректор ва корхоналар бил-лан биргалликда келгусидаги иш жойини белгилаб олади ва уларни ҳақ тўла-надиган 3-4 ойлик стажировкага юборади.*

Президент ОТМ ректорлигига бўш хоналардан талабалар бепул фойда-ланишларига рухсат бериш билан бирга уларни солиқлардан ҳам озод этиш бўйича норматив ҳужжатларга ўзгариштири киритиш топширини берди. Ҳо-зирда “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш” кафедрасининг 10 нафарга яқин битирувчиси тренинг марказларини очилган. Ана шундай битирувчи та-лабалардан бири Мираҳмад Содиковдир. У Ўққа туманида тренинг маркази очиб, самарали фаолият олиб бормоқда. Тренинг маркази инвестиция ҳа-ражатларининг қопланиш муддати 2 йилга тўри келмоқда. М.Содиқов яқин ойларда бизнесини диверсификация қилиш лойиҳасини ҳам ишлаб чиқди. У фан талаби бўйича мустақил ишдан аъло баҳо олиш билан бирга амалий лойиҳани тайёрлади. Бу катта натижа эмасми? Ахир талаба ўзига ўзи иш жойи яратмоқда-ку.

Боз устига, улар даромад солиғи ва бошқа турдаги солиқларни тўлаб бор-моқда. Эндилиқда уларнинг бундай солиқлардан озод бўлиши тренинг учун тўловларни қамайтириш ва янада кўпроқ тингловчиларни қамраб олиш им-кониятини беради. Бундай ижобий самарага оид мисолларни янада кўплаб келти-риш мумкин. Талабалар бухгалтерия хизмати, маркетинг хизмати, информацион коммуникацион технологиялар хизмати каби бизнес фаолиятларини ҳам ташкил этишган. Уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 100 миллиард сўм ажра-тилгани бу борадаги тадбирларни янада жозибадор қилиши аниқ.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан талаба ёшларга ҳам ўқиш, ҳам ишлаш учун шароит яратилиши нафақат даромад олиш имконияти, балки уларнинг назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлаш, мустақил изла-ниш олиб бориш, илмий мушоҳада қилиш кўникмаларининг шаклланишига, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларнинг сифатини кўтаришга ҳам ёрдам беради.

Исмонил САИФНАЗАРОВ,
Махаммадҷон ҚОСИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессорлари



Реклама Урчида

Қамол МАТЁКУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

1 Дарвоке, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслонов бундай эхтиромга муносиб. Унинг яратган образлари, овозлаштирган ижроларининг саногий йўқ. Кино мухлислари уни “Ижарачилар”, “Ҳиёнат”, “Сўнгги қўнғирок”, “Сингилгиним”, “Фидойилар”, “Қасос”, “Алпомиш”, “Менинг акам бўйдоқ”, “Ёрим безори”, “Ҳақиқат куни”, “Маргиёна” каби фильмлардаги роллари оркали яхши билишади. Унинг кинодаги сўнгги ишлари 2019 йилда суратга олинган “101-рейс” фильми ва “Боксир-2” сериалидаги ролдир. Маълумки, Ҳошим Арслонов бир фильмда бир неча қаҳрамонларга овоз бериш қобилияти билан ҳам таҳсинга лойиқ инсон эди. Масалан, “Эсмеральда” фильмининг ўзида Родольф, Адерян, Мелисо, доктор Малавер каби ўн бешга яқин образларни ўз овози билан жонлантирган. “Ичкарида” турк сериалидаги Жалол ота образини маромига етказиб овозлаштиргани фильмининг таъсир кучини янада оширган.

Ҳошим Арслоновнинг озода, неваралар билан янада файзли хонадонини бекаси, актёрнинг умр йўлдоши Мавлуда АРСЛОНОВАни сўхбатга чорлаймиз.

— Мавлуда опа, Тақдир ҳақида ҳар кимнинг фикри ҳар хил. Кимдир инсон она қорниолисидаёқ, Аллоҳ унинг тақдирини битади, деса, яна кимдир шоир Гофур Ғулам айтгандай:

Тақдирини кўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона — дейди. Сизнинг бу борадаси фикриниз қандай?

— Тақдир Аллоҳдан, албатта. Бунинг исботи сифатида сизга бир воқеани ҳикоя қилиб бераман. 1974 йил июль ойи — талабаларнинг энг гўзал онларида биз икки дугона ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг роман-герман тиллари филологияси факультети талабалари, яъни мен ва Муборак боз ёғида амалиёт ўташ учун йўланамиз билан Наманган вилояти Чуст шаҳрининг тоғ бағрида жойлашган пионер лагерига йўл олдик. Чуст сўлим шаҳар экан. Тоғлар билан уралган, сувлар шарқариб оқиб турган, Қирғизистон билан чегарадош Гова қишлоғида жойлашган пионер лагерларидан бирида тарбиячи бўлиб ишлай бошладик.

Тоғ ҳавоси бегубор, гўзал табиат бағрида маза қилиб ишлаб, ҳордиқ чиқариб юрганимизда оналаримиз бизни йўқлаб келишди. Келишлари билан шарқироқ сойлар шовқини, баланд тоғларнинг ҳайбати босдимки, онам: “Бўлди, юр, уйга кетасан, сен қандай қилиб бу тоғларнинг орасида юрибсан? Одамлар қўрқмай, шунақа жойларга ҳам қиз узатармикан-а?!” дея хавотирланиб, қўлимдан ушлаб олдилар. Қиз узатишининг нима алоқаси бор бизга, деб ҳайрон бўламан. Биз болалар лагерига бор-йўғи 24 кунга келган бўлсак...

— Йўқ, кетолмайман, ҳали ой тутамасди. Ойлигимиям олишим керак, — дедим.

Онам қанча ойлик олишимни сўрадилар.

— 45 сўм, — дедим.
Шунда онам:

— Юр, кетамиз, мен ўзим сенга 50 сўм бераман, — деб туриб олдилар.

Етакчимиз кула-кула, “Хавотир олманг, бизнинг одамларимиз самимий, меҳмондўст, меҳмонларни хафа қилиб қўймаймиз”, деб онамни зўрга овутидилар. Хуллас, уларни аранг кўндириб, жияним ва ўртоғимнинг укасини ҳам лагерда олиб қолдик... Кейин зўр таассуротлар билан уйда қайтдик. Шу зайлда, талабаларнинг 3-босқич даври бошланди.



Синфдош дугонам Маҳбуба Тошкент давлат Театр ва санъат институтида ўқир ва институт саҳнасида турли спектакллар қўйишарди. Бир куни Муборак билан уларнинг институтига бордик. Шунда Маҳбуба Муборакка қараб:

— Мубор, сени ҳамшаҳаринг билан таништириб қўймай? Ҳу, ана, қўрпсанми? — дея бўйларни баланд, узун сочлари елкасига кўнғирокдек ёйилиб тушган, “клеш” шимили (ҳар даврининг ўз модаси бор, ўша пайтлари узун соч ва клеш шимлар мода эди), чиройли йигитчани қўли билан кўрсатди, сўнг уни ёнимизга чақирди.

Улар Муборак билан танишяптилар-у, мен бу бўйчан, келишган ва чиройли йигитнинг кўзларига қараб алланечук бўлиб кетаямман... Унинг қулиб турувчи, масъум кўзлари, узун киприклари, мағрур қарашлари менга жуда танишдек эди... Ҳудди мен уни узоқ йиллардан бери танийдигандек эдим, назаримда. Очғи, илк маротаба юрагим жиз эди... Кейин билсам унинг ҳам менга меҳри тушган экан...

Шу билан бирпасда ўқийшни ҳам тугатдик. Битирув кечамизни кафедра ўтказадиган бўлидик, онам ҳам келдилар. Дангалчи эмасамми, дарров шу ерда Ҳошим ака ҳақида онамга айтиб берганман, чушлик йигит, деб. Энди онамнинг аҳволини кўрсангиз, ўша ваҳимали тоғлар ичида яша-

моқчимисан, деб хавотирга тушиб қолдилар.

— Онамиз ласерга сизни кўрсани борганларидо, “Бу тоғлар орасида ким қиз бераркин”, десиларидаёқ, фаршталар: “Сиз!”, деб омин, дейишган экан-да...

— Ҳа. Бу тақдирмасми? Албатта, тақдир-да!

Ишқилиб, онам биринчи марта ўша куни кўрганлар у кишини. Кейинчалик бу ҳақда ўзлари танишларига фахрланиб гапирётганларини эшитганман: “Қизим Чустга турмушга чиқадими, дея дилим хира бўлиб турганида, эшикдан юдуддай бўлиб Ҳошимжон кириб келди!”

Онамнинг ўғли йўқлигимга ёки меҳрлари тушдими, куёвини ўғилдан аъло кўрар эдилар. Умрларининг охиригача она-боладек яшади. Онамнинг ҳовлилари театрга яқин эди. Биз Юнусободда театр берган уйда яшардик. Турмуш ўртоғим кўпинча театрдан кеч чиқар ва аяминикида қолдим, деб кўнғироқ қилардилар.

— Ҳошим Арслоновнинг оиласига бўлган меҳр-муҳаббатини нималарда кўрсангиз?

— У киши оиласини жуда қадрлар ва меҳр кўрсатар эдилар. Болалар тарбиясига эътиборли бўлиб, дам олиш кунлари ҳам фарзандларини эрталабдан уйғотиб, дастурхон атрофида бирга, жамул-жам бўлиб, чой ичишни яхши кўрардилар. Қизим дадасини шундай хотирлайди: “Отам менинг қорним тўқ, деб овқатини бизга берсалар, ишониб еяверардик. Ҳаммамиз тўйган, биздан қолган овқатни ердилар. Энди ўйласам, бизнинг тўйиб овқат ейишимиз учун шундай қилар эканлар”.

Келинларини қизидек яхши кўрардилар. Овқат қилаётган вақтларида пиёзани ўзлари тўғраб берардилар: “Аёл кишининг қўлидан пиёз, саримсоқпиёз ҳиди келмаслиги лозим”, дердилар. Талаба келинларимизга шартнома пулларини тўлаб, ҳамма шароитини қилиб берардилар. Уч нафар келин олган бўлсак, биронтасига ётоқхона, меҳмонхона жиҳозларини ёки бошқа нарса олдирмаганлар. Қудаларнинг моддий жиҳатдан қийналишини хоҳламас эдилар, келинимиз оиламизга меҳр берса бўлди, дердилар. Йигит киши оиласи учун пешона тери билан шароит яратиши керак, дея бот-бот тақдорлардилар ва ўғилларимизга ҳаммаша ўзлари ўрнат қилар эдилар.

гизни қизганмайси?” деган саволни кўп беришган. Аввало, жамоадолларнинг ҳаммасини яхши танирдим. Театр ҳовлисида тут дарахти бўларди. Ёз палласида кечаси соат бир-икки, ҳоҳида учгача ўша тутнинг тағида таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев бошчилигида бир гуруҳ санъаткорлар тўпланишиб, ашула айтишарди, суҳбатлашишарди, спектаклларга тайёргарлик масаласида маслаҳатлашишар эди. Мавлуда Асалхўжаева, Зулайҳо Бойхонова, Муножот Тешабоевалар қўшиқ айтишарди. Мен уларга овқат пишириб олиб борардим. Театр жамоаси билан мен ҳам қадрдон бўлиб кетган эдим. Қолаверса, мен ўзимнинг чиройим, ақлу заковатим, муҳаббат борасидаги муносабатларим мустаҳкамлигига ишонардим. Бунинг устига ҳамкасблари: “Бу Ҳошимнинг гастролга чиққанимизга уч кун бўлмай сени соғина бошлайди, нима қилгансан бунга? Бунинг устига ўзи эгри йўлга юрмагани етмагандай, бизниям назорат қилади!” дейишарди. Ўзлари эса: “Мавлуш, оилада эркак киши ҳаром йўлга юрса, касри бегуноҳ фарзандларига урармиш. Мен бундай гуноҳдан қўрқаман”, дердилар.

Бир куни қайнонам билан театрга спектакль томоша қилганим борганимиз. Раҳматли Бахтиёр Ихтиёров саҳналаштирган “Онанининг қизи” спектаклида турмуш ўртоғим Бахтиёр ролини ўйнаяптилар. Ўша пайтларда икки нафар боламиз бор, актёрнинг 25-26 ёшдаги кўркам йигитлиги пайтлари эди. Саҳнага Ҳошим ака чиқсалар ёнимизда ўтирган қизларнинг бири: “Вой, Бахтиёр чикди, роса яхши кўраман шу актёрни”, деса, униси ҳам: “Менгайм жуда ёқади, театрга атайлаб шу йигитни кўргани келаман”, деди. Бунга эшитган қайнонам: “Эй қизлар, жим ўтиришар, у менинг ўғлим, мана бу хотини бўлади. Икки боласи бор, уни нега яхши кўрасан!” деб, уларни урушиб кетсалар денг. Мен қулиб юборганман. Ўша пайтда Саида Раметова билан роль ижро этишар-ётган эди. Саида ҳали турмушга чиқмаган, ёш ва чиройли қиз эди. Мен ўзимга, ўрта-миздаги севгининг мустаҳкамлигига ишонардим.

Айтмоқчиманки, рашк ўринли бўлса, бошқа гап, асоссиз рашк оиланинг парчаланishiга олиб келади. Турмуш ўртоғининг кўнглини забт этганига, севгисиз кучига ишонмаган инсонгина ҳада-беҳуда рашк қилади. Улар ойлаб хизмат сафарларига кетардилар, мен эса уч ўғлим, бир қизим билан уйда қолаверардим.

— Улар ҳам сизни рашк қилмасмидилар?

— “Ватанпарвар” газетасида ишлардим. Газета чиқариб, кечаси соат икки-учларда келамиз баъзида. Бир куни редактор ўринбосари Ҳудойназар ака Жуманазаров бошчилигида 5-6 нафар офицер аввал мени уйимга опкелиб қўйишди, кейин бошқаларни тарқатадиган бўлишди. “Уйга қиринглр” десам, “Ҳошимжон киритадимиз?” дейишди. “Албатта, ҳўжайиним кутиб оладилар” десам, “Алдаманг”, деб роса қулишди. Ҳошим ака эшикни очилари билан уларнинг гапларини айтиб бердим. Ҳошим ака эса уларни қўярда-қўймай уйга олиб кириб, роса меҳмон қилдилар. Демокчманки, ҳеч қачон бир-биримизни рашк қилиб, бировнинг олдига бўрйимизни тўкиб, уруш-жанжал қилмаганмиз.

— Адамшасам, актёр сал кам ярим аср мобайнида халқ хизматига бўлганлар. Бу айтишга осон. Бир инсон унинг ёшлик, етуклиги, камолот даври бу! Актёр нафақат саҳнада роль ижро этади, балки олис қишлоқлардаги мухлисларига ҳам ўз истеъдодини намойиш этиши, уларнинг маънавий баркамоллигига хизмат қилиши даркор. Демокчманки, ҳафтиала, ойлаб гастроль сафарларида бўлганларда болалар муаммолари, уларнинг тарбияси масъулияти сизга оғирлик қилмаганими?

— Адамшасам, актёр сал кам ярим аср мобайнида халқ хизматига бўлганлар. Бу айтишга осон. Бир инсон унинг ёшлик, етуклиги, камолот даври бу! Актёр нафақат саҳнада роль ижро этади, балки олис қишлоқлардаги мухлисларига ҳам ўз истеъдодини намойиш этиши, уларнинг маънавий баркамоллигига хизмат қилиши даркор. Демокчманки, ҳафтиала, ойлаб гастроль сафарларида бўлганларда болалар муаммолари, уларнинг тарбияси масъулияти сизга оғирлик қилмаганими?

— Адамшасам, актёр сал кам ярим аср мобайнида халқ хизматига бўлганлар. Бу айтишга осон. Бир инсон унинг ёшлик, етуклиги, камолот даври бу! Актёр нафақат саҳнада роль ижро этади, балки олис қишлоқлардаги мухлисларига ҳам ўз истеъдодини намойиш этиши, уларнинг маънавий баркамоллигига хизмат қилиши даркор. Демокчманки, ҳафтиала, ойлаб гастроль сафарларида бўлганларда болалар муаммолари, уларнинг тарбияси масъулияти сизга оғирлик қилмаганими?

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

Тахрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.



Ҳошим АРСЛОНОВ:

“Фариштага айланиб, УЧИБ КЕТАМАН...”

— Қийналганман, деб айтолмайман. Янги турмуш қурганимиздан икки йил ўтиб, театрда бизга уй беришди. Аввал олийгоҳда ишлаганман, кейин болаларимнинг ёнида бир-икки, ҳоҳида учгача ўша тутнинг тағида таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев бошчилигида бир гуруҳ санъаткорлар тўпланишиб, ашула айтишарди, суҳбатлашишарди, спектаклларга тайёргарлик масаласида маслаҳатлашишар эди. Мавлуда Асалхўжаева, Зулайҳо Бойхонова, Муножот Тешабоевалар қўшиқ айтишарди. Мен уларга овқат пишириб олиб борардим. Театр жамоаси билан мен ҳам қадрдон бўлиб кетган эдим. Қолаверса, мен ўзимнинг чиройим, ақлу заковатим, муҳаббат борасидаги муносабатларим мустаҳкамлигига ишонардим. Бунинг устига ҳамкасблари: “Бу Ҳошимнинг гастролга чиққанимизга уч кун бўлмай сени соғина бошлайди, нима қилгансан бунга? Бунинг устига ўзи эгри йўлга юрмагани етмагандай, бизниям назорат қилади!” дейишарди. Ўзлари эса: “Мавлуш, оилада эркак киши ҳаром йўлга юрса, касри бегуноҳ фарзандларига урармиш. Мен бундай гуноҳдан қўрқаман”, дердилар.

Бир куни қайнонам билан театрга спектакль томоша қилганим борганимиз. Раҳматли Бахтиёр Ихтиёров саҳналаштирган “Онанининг қизи” спектаклида турмуш ўртоғим Бахтиёр ролини ўйнаяптилар. Ўша пайтларда икки нафар боламиз бор, актёрнинг 25-26 ёшдаги кўркам йигитлиги пайтлари эди. Саҳнага Ҳошим ака чиқсалар ёнимизда ўтирган қизларнинг бири: “Вой, Бахтиёр чикди, роса яхши кўраман шу актёрни”, деса, униси ҳам: “Менгайм жуда ёқади, театрга атайлаб шу йигитни кўргани келаман”, деди. Бунга эшитган қайнонам: “Эй қизлар, жим ўтиришар, у менинг ўғлим, мана бу хотини бўлади. Икки боласи бор, уни нега яхши кўрасан!” деб, уларни урушиб кетсалар денг. Мен қулиб юборганман. Ўша пайтда Саида Раметова билан роль ижро этишар-ётган эди. Саида ҳали турмушга чиқмаган, ёш ва чиройли қиз эди. Мен ўзимга, ўрта-миздаги севгининг мустаҳкамлигига ишонардим.

— Актёр қўлаб роллар ўйнаган, юзлаб дубляжларда иштирок этган. Айниқса, “Қасос”, “Маргиёна”, “Алпомиш”, “Отамдан қолган далалар”, “Чавандоз” каби қўлаб фильмлар уни машҳурлик шоҳисига олиб чиққан. У ўзининг энг кўнгли тўлган, ўзи яхши кўрадиган ижроси ҳақида гапирармиди?



— Ҳар бир ролини, таъбир жоиз бўлса, фарзандидек яхши қўриб, ижро этардилар. Агар ўзларига ёқмайдиган образ бўлса, уни олмасликка ҳаракат қилар, иложи бўлмаса дублёрга ташлаб қўядилар. Ўйнаган ҳар бир ролини яхши қўриб, маромига етказиб ўйнаганлар. Айниқса, охириги пайтларда ижро этган Улугбек Ҳамдам асари асосида саҳналаштирилган “Мувозанат” спектакли уларга қаттиқ таъсир қилган. Шоғирдлари “Спектаклдан кейин ярим соатдан ошқ вақт устоз ўзларига кела олмасдилар, биз уни холи қолдирадик”, деб эслашади. Ҳар бир роли бутун вужуди билан, ўз ҳаётини буткул унутиб ўйнар эдилар.

У киши бир зум тинмасди, гоҳ кинога, гоҳ театрга, гоҳ дубляжга борарди. Қизиги, яёв юришни яхши кўрардилар. Ўғиллари ишхонаси олдига бориб кутиб туришса ҳам машинасига чиқмас, ёйлса оёқ чиғали, кетар кўнгли ғубори, дердилар.

Бир куни одатларига кўра метрода келатсалар, нотаниш киши у ёнига ўтибди, бу ёнига ўтибди-да ёмон кўз билан қараётганмиш. Ниҳоят: “Ака, биз сизни яхши кўрардик, ҳатто онам ҳам сизни яхши кўрардилар. Лекин сиз охириги ролингизда ёмон одам бўлиб чиқибсиз. Биз сизни шунчалик ёмон одам деб ўйламаганимиз, сизни ёмон қўриб қолдик”, деб нарироққа кетиб қолибди. Тушунтирганимга ҳам қарамади-я, одамларимиз мунча ишонувчан, деган эдилар ўшанда Ҳошим ака.

“Отамдан қолган далалар” фильмида Ҳошим ака ўғилларимиз Жамшид ва Бобур билан бирга бош қаҳрамон ролларини ижро этишган. “Алпомиш”ни ҳам севиб талқин этганлар. Чунки актёр тарихий асарларни қайта жонлантиришни яхши кўрарди. Заҳириддин Мухаммад Бобур образини спектакл ва кинода яратишни орозу қилардилар. Ҳатто ўғлимизнинг отини ҳам Бобур қўйганлар. Армони ҳам шу бўлиб қолди. Бошқа армони йўқ эди. Оилада ҳаммамиз учун севимли бўлиб яшадилар, касби туфайли Германия, Италия, Франция, Болгария, Татаристон каби бир қанча хорижий давлатларни кўрдилар. Халқимизнинг, томошабинларнинг ҳурматини қоғондилар. Одамлар уларни яхши кўришарди. Фарғонага бораётганимизда машинамиз бузилди қолганда, одамлар уни тузатиб, бензин солиб, бизни меҳмон қилиб жўнатишган. Йўлда бирон жойга овқатланишга кирсак, мухлисларни қўярда-қўймай столимизни турли таомлар билан тўлдириб ташлашарди.

Умра зияратида бирга бориб келдик. Орадан икки ой ўтиб Ҳошимжон ака оламдан ўтдилар... Кўнларнинг бирида менга кўнғироқ бўлди: “Биз Араб давлатида

яшайдиган ўзбек муҳожирларимиз, отим Абу Салмон Кўқондий. Биз Ҳошим Арслоновни жуда ҳурмат қилар эдик. Пандемиядан кейин Умра энди очилди. Бугун Маккаи Мадинада икки юз нафар олий мақоми араб қорилари Қуръон хатм қилиб, Ҳошим Арслоновга бахшида этдик”, деди. Бундай эҳтиромни эшитиб, кўзларимдан шукроналик ёшлари оқди.

— Санъаткорнинг спектакл ва фильмлардаги ижроларини томошабинлар яхши билишади. Унинг ички “мен”и, ҳаётдаги асл қайёфасига чиғилар берсангиз.

Мавлуда опа билан хайрлашар эканман, она эътироф этган хислатларининг барчасига эғаласи, ота изини фарзандлари босаётгани, она, буви сифатида азизлик шоҳисунасида туриб, ўзидаги бахт ва Меҳр ёғдуларини сулоласи давомчиларига таратаётганига гувоҳ бўлидик. Аёл бахти ҳам аслида шу эмасми?!

“Adolat” мухбири Саодат МАТЁҚУБ қизи сўхбатлашди.

— Ҳошим акам меҳнаткаш, ориятли инсон эдилар. Талабалик йилларида ҳам ота-онасидан маблағ сўрашни ор билиб, таътил пайти дўстлари Маҳмуд Исмоилов, Ҳабибулла Ҳақимов (ҳозир Фарғона кўғирчоқ театри раҳбари)лар билан Тошкент—Москва йўналишида қатнайидиган йўловчи поездда проводник — қузауви бўлиб ишлаб, пул топишарди. Олийгоҳни тугатиш билан Ўзбек давлат драма театри(собиқ “Ёш гвардия”, Абдор Ҳидоят-ов номли)га ишга кирган, аммо ёш актёр бўлгани боисми, ишқилиб, унча-мунчада унга роль беришмагани учун руҳан тушқунликка тушарди. Ўша пайтлари уни ички ишлар соҳасига, собиқ Комсомол комитетига ишга тақдир қилишган. Ёш оила, маблағ жиҳатидан қийналаётган пайтимиз бўлса ҳам мен уларга сабр қилса ҳаммаси яхши бўлишини, иқтисодий қийинчиликлар туфайли касбини ўзгартирмаслигини, ота-онаси унинг таниқли актёр бўлишини орзу қилишаётганини бот-бот айтиб турардим. Бу эса унинг кучли бўлишига ундар ва мақсади сари интилишда янада қатъият бахш этарди.

Самимий, раҳмдил, оилапарвар, ҳақи-

қатўй, бировдан ёрдамни аямайдиган инсон эдилар. Нафақат ишхонасида, балки касалхонада ётганларида ҳам қаровсиз бир қолнинг барча дори-дармонларини олиб берган эканлар. Кимингдир ўқийида, кимингдир ишга жойлашишида кўмаклашарканлар. Бу гапларни мен энди, ўзлари бу дунёни тарк этгандан кейин ўша одамларнинг ўзларидан эшитапман. Мансаб ёки унвонга интилмас, одамларни, айниқса, аёлларни жуда ҳурмат қилар эдилар.

Лекин ёлғонни, хиёнатни — у хоҳ дўстини, хоҳ ҳамкасбнинг, хоҳ бошқанинги хиёнат бўлсин — асло кечирмас эдилар. Бу билан ўзи ҳам қийналган, аммо характерини ўзгартира олмасди.

— Актёрнинг хоббиси нима эди?

— Турли давлатларнинг пулларини коллекция қилишни яхши кўрардилар. Ҳозир ўртанча ўғим Бобурнинг ҳам қизиқлиши шундай. Бундан ташқари ҳамма қизу ўғилларини, қуёву келинларини, невараларини тўтлаб, ўчоқда ош ёки димлама пишириб, суҳбатлашиб, яйраб ўтириш жону диллари эди.

— Оилада фарзандларингизнинг ота касбини таллогани ҳам, талламгани ҳам бор. Ҳошим ака уларнинг ўз ишини давом эттиришини истармишди?

— Санъатнинг нони қаттиқ, истеъдоди бўлса санъат йўлига кирсин, дердилар. Жамшид иқтисодчи бўлса ҳам “Чемпионлик орузси”, “Отамдан қолган далалар”, “Сардор” фильмларида рол ўйнаган. Дилафрўз қизимиз ҳисобчи бўлди. Бобур Миробод тумани Ёшлар агентлиги раиси. Томошабинлар бир қанча киноларда унинг ижросини кўришган. Унинг талабаликда илк ўйнаган роли “Ному” картинасида. Кейинчалик “Динозавр қолдирган из”, “Чемпионлик орузси”, “Осмондаги болалар”, “Жаннат қайдадир”, “Сержантлар” каби сериал ва киноларда, Россиянинг “След Саламандра”, “Гулицитай” каби кинофильмларида ўз истеъдодини намойиш этди. Кичик ўғлимиз Жавоҳир Шарқшунослик олийгоҳини тугатиб ва ўз соҳаси бўйича ишнинг давом эттирмоқда.

У киши бир умр шошиб яшадилар. Ҳайрон қолардим. Бир жойда жим ўтиролмас эдилар. Театрга умрини бағишладилар. Охириги йилларда кўпроқ дубляж устиди ишладилар. Ҳеч қачон дам олиб ўтирганларини кўрмасдик. Энди англасам, бу дунёда кўпроқ ишга улгуриб қолиш учун шошган эканлар.

— Актёрлик — жуда мураккаб касб. Негаки, баъзида актёр олдига ё касбни ёки оиласини таллаш синови, иштироки туради. Актёр ўз ролини қойилмақом қилиб ижро этиши учун истеъдоддан ташқари, аввало, оиласи тиғи, турмуш ўртоғи уни тушундирган, ишондиган ёрдами бера-жасида бўлиши лозим. Шундай эмасми? Тўғрими, бахтли бўлиш учун санъаткорларнинг умр йўлдошлари нималардан кечилари керак?

— Санъаткоринг жуда ҳам нозик табиатли, эътиборталаб, меҳрхалаб бўлишасди. Шунинг учун аёл ўзимдан, ўзигидан кечиб шу инсонга ўзини бахшида қилиши лозим. Биз ҳақиқий дўст эдик. Шунинг учун ҳам бахтли яшадик. Санъаткорнинг аёли оқила, мулоҳазали, сабрли, шу билан бирга ишончини юрагига жойлаган фидойи аёл бўлса, ундан бахтли одам бўлмайди.